



ИШОНЧ

12
1992 йил
23 март
(51)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Халқимизнинг қадрига бўлди, Халқимизнинг бўлишига қадрига бўлди!

21 мартда «Ишонч» газетаси чиқа бошлаганига бир йил тўлди.

Наврўз ойи ҳам кириб келди. Каранг-а, кўз очиб юмгунча «Ишонч»нинг туғилганига ҳам бир йил тўлибди. Утган йил биз учун ҳам катта синов, ҳам чиниқиш даври бўлди. Шу мuddат ичида кўплаб дўстлар орттирдик. Улар ютуқларимиздан қувониб бизга хайрихоҳлик билдиришди, қийин дамларда бизни қўллаб-қувватлашди, оқ йўл тилаб мададор бўлишди. Афсуски, шу қисқа давр ичида ўзимиз билмаган ва истамаган ҳолда бизни ёқтирмайдиган рақиблар ҳам орттирибмиз. Улар қоқилганимизда чапак чалиб, йиқилганимизни кутишди, ютуқларимизни кўриб кўрмасликка, сезиб сезмасликка олишди. Ҳаммасига чидадик, чидаяпмиз. Бир йил ичида 150 минг оила меҳрига сазовор бўлган шундай нашр баъзи давраларда ҳалигача ўз ўрнини тополмаётганига ачинаганимиз ҳолда сабр қилиш ва янада яхшироқ меҳнат қилишга аҳд қилдик. Жамоамизнинг бирдамлиги, иноқлиги барча қийинчиликларни енгади, бунга шак-шубҳа йўқ. Баъзан бизни кўрарга кўзи йўқларнинг оғзи очилганини кўриш завқидан баҳраманд бўлсак бўлди. Адолат ҳа, ҳа адолат ҳарқалай ғолиб келаркан. Меҳнат, ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз зое кетмади.

БИР ЁШГА ТЎЛДИК

«Адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!» деган шоримиз бежиз айтилмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг меҳр-оқибатимизга меҳр-оқибат қайтди. Йўрғақдалиқ вақтимиздаёқ биз билан дўстлашиб ўзаро ҳамкорлик шартномасига имзо чекиб, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ёрдам қўлини чўзган Ўзбекистон Республикаси нефть маҳсулотлари таъминоти Давлат қўмитаси (раиси Е. Т. Мўминов), Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси (раиси Т. К. Қўшаев), Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси (раиси Н. Т. Қосимов), «Вариант» совет-болгар қўшма корхонаси (бош директори И. Е. Субботник), Мева-сабзавот ассоциацияси (раиси Ж. У. Абдусаломов), «АстроВАЗ» суғурти акционерлик жамияти (директори М. Б. Гринберг), Тошкент вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси (раиси К. Шодиметов), Й. Охунбобоев номидаги Республика болалар театри (директори Қ. Содиков), Пискент районидаги Й. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги (раиси М. Авазов)га ҳамда яққа ҳолда ўз жамғармасидан моддий ёрдам кўрсатиб руҳимизни кўтарган А. Маҳмудов, гулистонлик Б. Мўминов, И. Бозорбоева, бўстонлик Ш. Бўёнов, ғаллаороллик А. Эрашев каби дўстларимизга чин дилдан миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Наврўз айёмида барча газетхонларимизга ва газетамизнинг жонқуяр фаоллари С. А. Хўжаева, С. М. Мирзааҳмедова, Х. Файзуллаева, А. Акбаров, Т. Н. Назиржонов, А. Т. Алимухамедов, Х. Р. Пириқулов, О. Н. Завалунов, Т. П. Циглинцева, З. Қодиров, В. Размаев, Х. Муҳиддинов, Т. Ойхўжаев, Н. В. Цой, М. Султонов, Ю. Абдуллаев, М. Абдусаломов, Р. Ақромов, Н. Муҳиддинов, А. Хасанов, Т. Расулов, Йўлдош Муқим ўғли Оташ, У. Қўназаров, Н. Алиев, Э. Раимов, М. Худойқулов, А. Саидов, О. Шарафутдинов, Ш. Шомухамедов, Х. Зайнуддинов, Ф. Қиличев, Х. Содиков ва бошқа дўстларимизга бахт-омад тиламоқчимиз. Шулар қаторида таҳрир зайғати аъзоларини ҳам қўтлаб, уларга ҳамкорликдаги меҳнатлари учун ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

«Ишонч»га 1992 йил учун обун бўлган барча дўстларимиз хавотир олишмасин, омон бўлсак улар йил охиригача ўз севган газеталарини оладилар. Ҳеч қандай қўшимча пул талаб этилмайди.

Ваъдага вафодорлик одамларда ҳам меҳр, ҳам ишонч туғдиради. Тутруқсиз деган тамга олишни истаганимиз учун баҳоли қўдрат шу бугунги оғир вазиятдан чиқиб кетиши йўлларини излапмиз. Ҳозир ижодий жамоа олдида кўпгина муаммолар кўндаланг бўлиб турибди, қороздан ташқари (унинг нархи осмонга чиқиб кетди) газетани тарқатиш ҳам бизни қийнапти. Утган йили Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг матбуот тарқатиш республика маркази («Союзпечать») билан тузилган шартномага асосан уларнинг хизматга 303,2 минг сўм тўладик. Афсуски, транспорт ҳақининг бир неча баробар ошиб кетиши туфайли марказ (ўзининг айбисиз, албатта) биздан газетанинг ҳар нусхаси учун 4 тишин ўрнига 20 тишиндан талаб қилди. 1992 йил обунасини эгасига элтиш учун шартнома бўйича биз тўлаган пул 2 ойга зўр-баъзўр етибди. Қолган 10 ой учун эса яна сазкам бир миллион сўм атрофида маблағ тўлашимиз лозим экан. Аке ҳолда газета сиз азиз обуначиларга етказилмас экан.



Бу оғир вазиятдан чиқиш учун озмунча бош қотирмадик. Энг аввало газетамизни бир гал 16, бир гал 8 саҳифада чиқариб туришга ҳамда 1 апрелдан сотувга чиқариладиган ҳар бир нусха газета нархини 2 сўм қилиб белгилашга мажбур бўлаяпмиз. Шундан тушган маблағ юқорида айтган «қарз»дан қўтилиш учун марказ ихтиёрида қолади. Бу чора билан ҳам қўтилолмаيمиз. Босмаҳонага, газета ходимлари маошига ва бойқа харажатларга ҳам пул керак. Демак, маблағ келадиган йўллارни топиш зарур. Шу мақсадда муҳарририят бир миллион сўм пул қарз олиб, газета қошида Бизнес-Марказ очди, брокерлик идораси ташкил қилди, «Карвон» биржасининг акциясини сотиб олди, Ғаллаоролда «Боғали» кичик корхонаси очилишига шерик — муассис бўлди. Муҳарририят ходимлари бир овоздан газета фондига бир кунлик иш ҳақларини ўтказишга қарор қилди ва ҳар бир ходим газета ҳисобига 5—10 минг сўмдан пул ўтказувчи ҳомий топиш мажбуриятини олди. Қисқаси, шу ва бошқа йўллар билан маблағ топиб, иқтисод қилиб, ўз кунимизни ўзимиз кўришга, на давлатга, на муассисга ортиқча юк бўлмасликка ҳаракат қилаемиз. Лекин «Ўзинг учун ўл етим» қабилда яшаш биз учун ниҳоятда қийин бўлаяпти. Ташкил қилинаётган уюшмалар ишга тушиб, даромад олганимизча бир йилча вақт ўтади. Шу боисдан ҳозирча сизнинг кўмагингиз ва мададингизга суюнишдан бошқа иложимиз йўқ. Меҳнат жамоалари, жамоат ва касаба уюшмаси ташкилотлари, олийҳиммат газетхонлар биздан меҳрларини дариг тутмайдилар, деган умиддамиз. Қийин шароитда бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик, меҳр-оқибатли бўлайлик. Ушанда омон-эсон муроду мақсадимизга етамиз.

Азизим «ИШОНЧ»!
Бугунги иқтисодий танглик сенинг ҳам бошингга тушиб тургани боис ўз мухлясларингга қилган мурожаатингни ўқиб сесканиб кетдим. Менинг бундан кейин яшашим ва камол топишим бугун сизга ҳам боғлиқ азиз газетхон, дебсан.
Сен яшашинг керак. Аминманки келажакда сен ҳам ота-она мисол фарзандларга таълим-тарбия, ахлоқ-одоб ўргатасан, илм берасан, дунё қоронгуликларини ёритасан, жаҳон воқеаларидан хабардор қилиб турасан. Демак сен халқимизнинг ота-онаси бўласан. Шундай экан, келажакда камол топишингда ҳар томонлама сенга ёрдам беришимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Сенинг беғубор саҳифаларингда чиқаётган хикматларни ўқиганимда қалбим қувониб кетади. Ватанга, халққа меҳрим ошади, яхши хисларга тўламан.
Яхши ота-она фарзанд учун олий мактаблар.
Яхшилик қиладиган одам ёруғлик томон юради.
Бундай ёрқин, беғубор хикматларни ўқиган дили пок одам ҳеч қачон ўзини маънавий ва моддий ёрдамдан четга олмайди. Беғубор нуринг билан қалбларимизни мунаввар этаётганинг ҳақки — сени бутун вужудимиз билан қўллаб-қувватлаймиз. Сенга мадад бўлсин деб ўз ҳалол жамғармадан 1000 сўм юборишга қарор қилдим. Озни кўп ўрнида кўрасан, деган умиддаман.

Усаркул ИРИСКУЛОВ
табиб, Чимкент шахри.

Тошкент шахри, Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат, деҳқончилик банкидаги 000363601 — ҳисоб varaқаси «Ишонч» газетасига тегишли, банк коди — 17268403

УМИДБАХШ САФАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи муваффақиятли якунланди. Бу ҳақда кундалик газеталар, радио ва телевидение орқали батафсил маълумотлар берилди.

Сафар икки буюк халқ ўртасидаги қадимий дўстлик алоқаларини қайта тиклашда, ўзаро муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа очди. Олий даражадаги Хитой раҳбарлари билан бўлган суҳбатлар ва музокаралар якуни сифатида муҳим йўналишлар бўйича 15 та ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатларда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳада ҳар иккала томон бажариши лозим бўлган вазифалар аниқ-равшан белгилаб олинди.

Учрашувлар пайтида таъкидланганидек, ҳозирги шариқатда иқтисодий ҳамкорлик

ва савдо-сотик ишларини ривожлантириш айниқса муҳимдир. Имзоланган битимларга мувофиқ томонлар ўзаро манфаатли алоқаларни бутун чоралар билан ривожлантирадилар. Тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўللар очилади. Хитойлик мутахассислар иштирокида ўлкамизда қуриладиган қўшма қорхоналар сони янада кўпаяди.

Президентимиз сафари барча қалбларда зўр қониқиб ҳосил қилди ва келажакка бўлган умид учкунларини янада кучайтирди. Мустақил Ўзбекистонга бўлган қизиқининг ортиб бораётганлиги барчамизни мамнун этмокда.

Суратда: Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси аъзолари Буюк Хитой деворини кўздан кечиришмокдалар.

ЎЗА сурати.



КАНАДАЛИК МЕҲМОН

● ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан Наврўз олдидан ўтказилган «Дўстлик тароналари» ҳа-

вадорлик фольклор санъати фестивалининг якунловчи концертида катнашган канадалик мусикашунос Олим Розали Голдетайн хоним рес-

публикамиз ҳаёти билан танишди. Бухоро ва Самарқандга сафар қилиб тарихий обидаларни кўздан кечирди. Маданият масканларида бўлиб халқ ижодиёти билан қизикди.

Меҳмонни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг

ўринбосари М. М. Тўлаганова қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат давомида Мустақил республикамизнинг маънавий қадриятлари, фольклор санъатининг ривожланиш тарихи ва истикболи хусусида гап борди.

«Ишонч» мухбири

ХОТИРА БОҒИ

● РЕСПУБЛИКА деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари Наврўз байрамига тайёргарлик давомида «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-мурувват» шиори остида, янги мазмун билан йўғрилган ҳашар ўтказдилар.

Меҳнат жамоалари ҳашарда ишлаб топилган маблагнинг ҳаммасини ёлғиз қарияларга, камбағал оилаларга, болалар уйлари ва бошқаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун сарфлашга қарор қилдилар. Тошкент вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари етти юзта камбағал оиллага 200 сўмдан 250 сўмгача бўлган миқдорда бир йўла тўланадиган моддий ёрдам беришга аҳд қилди. Мухтож талабаларга мадад бериш учун Тошкент давлат аграр дорилфунуни жамоасига 5 минг сўм, олти техника кумнинг ҳар бирига эса икки минг сўмдан пулли ёрдам берилди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси ва Марказий кўмитаси, касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши аппаратларининг ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақлари ҳисобидан 600 туп олма ва шафтоли кўчатлари сотиб олиб Бўка районидан янгидан ташкил этилган Турғун Ражабов номли жамоа хўжалиги ерларидан ажратилган бир гектардан каттароқ майдонга экидилар. Матълумки Турғун Ражабов қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг раиси лавозимида 15 йилдан кўпроқ вақт ишлаган эди. Янги боғ унинг хотирасини абадийлаштириб туради. Шанбаликда Т. Ражабовнинг дўстлари, қариндош-уруғлари ҳам иштирок эттишди. Ўтганлар хотирасини шу кутлуг қуилари эслаш ва номларини абадийлаштириш катта савобдир. Камолжон ШОДИМЕТОВ, Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари Тошкент вилоят кўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН «ҚОРА ОЛТИНИ»

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан бирга республика Бош вазири А. Муталов ва барча вазирлар ҳамда бошқармаларнинг бошлиқлари Наманган вилоятига ташриф буюрдилар. Бунинг боиси бор эди.

Наманган районидagi «Зарбдор» жамоа хўжалиги далаларида нефть олиб бурғилаш ишларини олиб бораётган мутахассисларимиз 2 март куни ажойиб муваффақиятга эришдилар. Бурғилаш ишлари 5237 метрга етганида она замин қаъридан нефть оқими фавворадек зўр куч билан ер юзига отилиб чиқди. Нефть изловчиларнинг ўша кундаги шодияналарини кўрсангиз эди. Тинимсиз изланишлар самарасини ўз кўзинг билан кўрсанг қандай яхши.

Мутахассислар нефть таркибини дарров текшириб чиқишди. Нефтьмисан нефть, Қувайтникидан қолишмайди. Таркибида тўрт фоиз бензин, 10 фоиз авиакеросин, 30 фоиз солярка бор экан. Айни пайтда битум, кокс, ёғ олса ҳам бўлади. Бунчалик бой таркибли нефть ҳамма жойда ҳам топилавермайди. Халқимизнинг бахти ва омади бор экан, бой нефть қони ўз заминимизда топилди. Ҳадемай у уйимизни иситади, машинамизни юргизади, самолёти-мизни учиради. Ёнилғи деб энди ўзга юртларга икки букилиб бормаймиз, уларнинг кош-қовоғига қарамаймиз. Ўзимиздан чиққан нефть ўзимизнинг кунимизга ярайди...

Ҳукуматимиз раҳбарлари янги ёнилғи бойлигини халқ хизматига бўйсундириш юзасидан қўрилаган чора-тадбирлар билан танишдилар, контопарларнинг иш ва тур-

муш шароитини кўздан кечирдилар. Бу ерда Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда И. А. Каримов нефть қонини жиловлашда кўмаклашиш истагини билдирган биродарларимизга миннатдорчилик билдирди.

Ҳозир кон атрофи экологиясини яхшилаш, аҳолини муҳофаза этиш, ишчи ва хизматчиларга ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Суратларда: нефть қони атрофидаги бугунги манзара.

Сураткаш Солиқ МАҲКАМОВ.



«ДИЛКАШ СУХБАТЛАР» рукнимиз остида берилаётган бу суҳбатимизга Моварауннахр диний идораси таълим-тарбия вазири Мухаммадлатиф Жуман ўгли билан болалар ёзувчиси, Ўзбекистон халқ депутаты Абдусайд Кўчимовни таклиф қилдик.

ЭРКИН: — Мен суҳбатимиз бошида бир хатни ўкиб берсам.

«Хурматли муҳарририят, маълумки бола тарбияси ниҳоятда кенг қамровли ва мураккаб иш. Унда нафақат ота-она ёки ўқитувчи, балки бутун жамият иштирок этади. Шунинг учун халқимиз «Бир болага етти маҳалла ҳам ота-ю, ҳам она» деб айтади.

Демак, бола ахлоқсизлик қилса унга бутун маҳалла ҳам ота, ҳам она сифатида қайғуриши ке-

рак. Жамиятнинг бундай таъсир кучи қишлоқларда бир мунча сақланиб қолган бўлса-да, шаҳарларда йўқолиб борапти. Шунинг учун ҳам ахлоқсизлик авж олмақда. Ахир шаҳардаги кўп қаватли уйларда одамлар кўшнисини ҳам танимайди. Ахлоқсизлик қилган квартал бўласига ким танбеҳ беради?

Болалар тарбияси нафақат ота-онага, ўқитувчига, балки бутун жамиятга боғлиқдир. Шунинг учун биз жамиятнинг бугунги кунда йўқолиб бораётган таъсир кучини қайта тиклашимиз керак. Ҳамда жамиятимиз ичида тобора томир отиб бораётган лоқайдлик иллатини йўқотишимиз керак».

Тошкент шаҳар. Ленин районидаги Ипподром — Гайдар кўчаси 1-уй, 2-ётоқхонада яшовчи Йўлдошев.



Бола азиз

биячидир, деган ўйдаман. Мана бойчечак анъанасини олайлик. Биз баҳорни орзикиб кутардик. Ҳар кун бўлмасаям икки-уч кунда чимзорларга бориб, ариқларнинг бўйларига бориб бойчечак излардик. Эҳ, бойчечак топган кунимиз... Бойчечакни бойлардик, пиёзини мойлардик, кейин қишлоқ кўчаларида юриб бойчечак кўшигини айттардик. Ҳозир қисман қишлоқларда сақланиб қолган. Лекин илгаригидек эмас, шунинг учун бугун фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки тарбия билан боғлиқ анъаналарни тиклаш керак. Бу масалада биринчи навбатда болаларнинг ўзига мурожаат қилгим келади. Бугун шундай бир ҳолатки, катталарнинг юмушлари жудаям кўп. Бозор иктисоди деярлик, улар кўпроқ болаларни иктисодий томондан таъминлаш ҳақида ўйлашапти. Лекин катталар мутлақо бефарқ бўлаверсинлар деган хулоса келиб чиқмайди. Болаларнинг ўзлари кизиқиларди, излаб топишлари керак демокчиман.

ЭРКИН: — Яна болаларнинг ўзларига юқлаяпмиз-да, ўзинлар кидириб топинлар деб. Яна катталарнинг масъулиятини енгиллаштиряпмиз. Мисол учун Мухаммад пайғамбар тарихини ўқийдиган бўлсак пайғамбардек одам ҳам болалар тарбияси билан шугулланиш учун вақт ажратган эканлар. Қаерда бола бўлса унга яқинлашишга, бола билан бирга ўтиришга, боладан бирор нима сўрашга, бирон нима ўрганишга ҳаракат қилган эканлар. Ваҳоланки, елкаларида бутун бир умматнинг вазифаси турган. Энди ҳозир мана шу ўринда жудаям хоҳлардимки, мана шу сизнинг ёшингиздаги, бизнинг ёшимиздаги оталар, оналар биз мана шунақа ўйинлар ўйнардик, деб ўзлари болаларнинг ичига кириб боришлари керак-да. Катталар болалар оламига кирмас экан, болалар катталарнинг оламига табиий киролмайди.

МУХАММАДЛАТИФ: — Тўғри, агар катталаримиз ишимиз кўп деган баҳоналар билан болалар тарбиясига қарамай қўйсалар, улар асосий ишни ташлаб қўйган бўладилар.

ЭРКИН: — Энг, энг асосий ишни!
МУХАММАДЛАТИФ: — Ҳа, энг асосий ишни! Асосий иш ҳалиги иктисодий ва сиёсий ишлар эмас, балки келажак авлодни тарбиялаш билан бўлади. Катталаримиз, бир амаллаб қийинчиликлар билан ёшларга яхши бир шароит яратса-ю болалар тарбияси қолиб кетса эртанги кун бундан ҳам баттарлашади, қийинлашади. Мана шу томонларни ҳисобга олиб болаларга бериладиган тарбияни кучайтириш керак. Мана ҳозир айтиб ўтдингиз пайғамбаримиз тўғриларида. Ҳақиқатдан ҳам пайғамбаримиз ёшлар учун кўп вақтларини ажратганлар. Мисол тариқасида айтишимиз мумкин. Бир ёш бола бўлмаса у бегона набиралари ҳам эмас, саҳобалардан бирининг фарзанди. Унинг бир куши бўлар экан. У кушини жуда яхши кўрар экан. Куши бирон бир сабаб билан ўлиб қолганда пайғамбаримиз атайлаб бориб ҳалиги боланинг кўнглини кўтариб: «Э, Умарча, (унинг исми Умар бўлган, эркалатиб Умарча деганлар) муфайлга нима бўлди (муфайл кушининг оти бўлса керак) деб боланинг кўнглини кўтариб қўйган эканлар. Мен шу ўринда биродаримиз Абдусайд акамизнинг ҳам фикрларига қўшиламан, лекин сиз айтганингиздек катталар ҳам алоҳида шугулланишлари керак. Хадисда шундай дейилади: «Ҳар бир инсон фарзанди қобилиятли туғилади, ҳаққа, ҳақиқатни қабул қилишга қобилиятли

бўлиб туғилади. Яхши ишларни бажаришга қобилиятли бўлиб туғилади. Лекин уни ташқи муҳит, атрофдаги шароит бирини ўғри, бирини ёлғончи, яна бировларини ахлоқий бузук шахсга айлантириб юборади».

АБДУСАИД: — Биз ҳозир тарбиянинг битта томонига қараяпмиз. Унинг иккинчи томониям бор. Бу асосан гуноҳ ва унга бериладиган жазо. Ҳар қандай тарбиясизлик ўша тарбиясизликнинг ўзидан келиб чиқади. Бизнинг бугунги кундаги ҳолатимиз шундай-ки, гуноҳ қилган одамларнинг гуноҳи гоҳо кўз олдимизда кечиб юборилади. Гуноҳкорлар кўпинча кўзимизнинг олдида гуноҳсизларнинг устиларидан ҳукмронлик қилиб юришади.

ЭРКИН: — Хатто гуноҳкорларни қорхона, маҳалла аҳиллари кафиликкаям оладилар.

АБДУСАИД: — Менам шу гани айтмоқчи эдим. Бу болалар, ёшлар юрагида жароҳатлар очади. Шу йўлга кириб бораётганлар эса рағбатланади. Катта ёшдаги гуноҳкор жазодан қутулиб кетаётган бўлса менам қутулиб кетаман деган қарорга келиб қолади.

Бугунги кунда бизнинг қонунларимиз мана шу ниҳоятда кўнгличан бўлганлиги учун ҳам ахлоқсизлик кўпайиб кетаётгандир. Жиноят ва жазога ҳам ота-оналар, катталар жиддий қарашлари керак. Гуноҳкорларнинг ёнига бўлар-бўлмасга тушавермасликлар керак. Қишлоқларда ҳар хил ўғирликлар бўлаяпти. Булар орасида мол ўғирлаб кетадиганлар, машиналарнинг гилдиракларини ўғирлаб кетадиганлари бор. Одамларнинг уйларига тушиб тўй қиламиз деб йиққан сепларни ўғирлаб кетишапти. Кўриб қолганларни гуноҳлик бермасин деб қалтаклаб кетиш ҳоллари бўляпти. Энг ёмони шу қишлоқларнинг, гузарларнинг одамлари кўл қўйишиб жазони енгиллатиш керак, деб судма-суд ёки идора-идора чопиб юрганларини кўраимиз. Бундай пайтда хатто ўзининг фарзандини ҳам аямаслиги керак. Бу ўша фарзандига, қолаверса фарзанди атрофидаги болаларга, ёшларга ибрат бўлади. Уларнинг ҳам шундай йўлдан қайтишига бир туртки бўлади.

МУХАММАДЛАТИФ: — Шу ерда яна бир нарсани айтишни ўзимга лозим деб топдим. Исломдаги жазо каттик, аёвсиз, шафқатсиз дейилади. Лекин бу унчалик эмас, булар Оллоҳ томонидан туширилган жазо. Оллоҳ таоло шу йўл билан туза-лишини била туриб, жазоларни туширган.

Масалан баъзи бир касалликлар бўлади, уни даволаб бўлмайди. Кесиб ташламаса у баданга тарқаб кетиб одамни ҳалокатга олиб боради. Жазо каттик бўлмаса одамнинг бутун танасига тарқаб кетганига ўхшаб жамиятнинг ҳалокатга олиб боради. Боя Абдусайд ака, сиз айтганга ўхшаб бу жиноятларнинг давомчилари кўпайди. Бу борада Исломнинг кўрсатмаларига амал қилиш менимча зарар қилмайди. Иккинчидан, шу жазони такрор айтаман, ҳаммага баравар қўллаш керак. Пайғамбаримизнинг бир ҳадислари бор: «Бани қабиласидаги бир аёл ўғирлик қилганда, аслида у қабилга ҳам обрўли экан. Унга кўпчилик кафил бўлиб, пайғамбаримизга учрашади. Пайғамбаримиз кизариб, бўзариб, хатто кўзларининг ичларига гача бошқача бўлиб кетиб, (жаҳллари чиқсалар шунақа бўлар эканлар-да) шу захоти ташқарига чиқадилар-да одамларнинг йиғиб ваъз қиладилар-ки: «Э, мусулмонлар, оғоҳ бўлинглар ҳозир шундай бир воқеа бўлиб мени жаҳлимни чиқаришдики, агарда қизим Фотима ўғирлик қилса ўзим бошида туриб қўлини кесди-ман, жазо ҳаммага баробар, ҳеч кимга шафоат қилинмайди» дейдилар. Шу йўл билан мусулмон оламида ўғирлик деган иллат йўқолади. Буни ўйлаб кўриш катталаримизга, мутасадди кишиларимизга лозим деб ўйлайман.

ЭРКИН: — Мана яқинда Президентимиз Тошкент шаҳар маҳалла оксоқолларини чақириб суҳбат ўтказдилар. Ўшанда Президентимиз маҳалла оксоқолларининг жамиятнинг бугунги тараққиёти ва ўзгаришида роли катта эканлигини уқтирдилар. Биз маҳаллаларга таянамиз, қанча эркинлик, имконият бўлса сизларнинг қўлингизга берамиз деб айтдилар. Демак, ҳозир маҳалла оксоқоллари қадимги мавқенин, обрўсини тиклашлари керак экан. Чунки жамиятнинг покляниши пастдан бўлади-да. Ахир дарё ҳам бошидан тиник окса, охиригача тиник оқади-да.

МУХАММАДЛАТИФ: — Ҳа-да, оилалар йиғилиб маҳалла бўлади, маҳаллалар йиғилиб жамият бўлади-да!

ЭРКИН: — Энди бу мавзу бир умр давом этадиган мавзу. Бизнинг гапларимиз ҳам нисбий бўлиши мумкин. Уни бошқалар давом эттиришлари, тўлдиришлари тибий. Чиндан ҳам бир болага бутун маҳалла ҳам ота-оналик қилгандагина тарбиямизда бирон бир ўзгариш бўлиши мумкин. Менимча бундай тарбиянинг илдизлари тамоман қуриб битгани йўқ, уни парвариш қилсак яна гурқираб кўкариши, ширин мевалар берини турган гап.

Суҳбатимиз адоғида сизларни Наврўзи олам байрами билан чин дилдан муборакбод этишга рўхсат бергайсизлар. Суҳбатимизда иштирок этганларингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Эркин МАЛИКОВ.

МУХАММАДЛАТИФ: — Хат муаллифи ёшлар ахлоқининг бузилиб кетиш сабабларини тўғри кўрсатибди. Мен бунга кўшимча равишда иккинчи бир сабабини ҳам айтиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса жамиятимизда шу кунгача диннинг аҳамияти йўқолиб қетганидир. Алҳамдулиллоҳ ҳозир кўпчилик тушуниб имонга, эътиқодга қайтапти, бунинг учун оллоҳга ҳамдлар айтаемиз.

Энди бевосита хатга тўхталадиган бўлсак, бу борада Куръони карим, ҳадис, шарифларда жуда ҳам аниқ, тўғри кўрсатмалар бор. Куръони каримда: Эй, инсонлар, фақатгина гуноҳкор банданинг ўзигагина етмайдиган бало ва офатлардан қўрқинлар, дейилади. Бунинг маъноси нима? Бунинг маъноси шуки, агар жамиятда бир тўда киши, бир тоифа кишилар бирор нотўғри, гуноҳ иш қилсалар ана шунинг оқибати билан Олло таоло томонидан бало юбориладики, бу балога гуноҳни қилмаган кишилар ҳам дучор бўладилар, агарда улар шу гуноҳ қилаётганларни қайтариб, тўғри йўлга солмаган бўлсалар.

Бу ҳақда бир ҳикоя ҳам келтирилган. Ҳикояда айтилашича, бир қавмнинг касб-кори фақат балик овлаб кун кўришдан иборат экан. Олло таоло уларга шуни раво кўрган экан. Шу билан бирга Олло ўша қавмга шанба кун балик тутмасликни буюрган экан ҳам. Бу қавм кўрсатмага амал қилади ва шанба кунини дам олиш кунини қилиб белгилайди. Лекин кунлар ўтиши билан қишлоқлар ҳам бу кунни сезиб қоладиларми, бошқа кунлари сувнинг чуқур жойларига тушиб кетиб, шанба кунлари бемалол сувнинг юзларида сузиб юришни одат қиладилар.

Буни кўрган қавмдаги баъзи бир тоифадаги одамларнинг фикри ўзгаради. Чунки балик тутилган кунлардаги насибанинг чўғи кам бўлади. Ўша тўда одамлари маслаҳат қилишади: «Келинлар, шанба кунини бир балик тутайлик, кўпроқ насиба олайлик, яхши ҳаёт кечирамиз» дея бир қарорга келишади. Шунда шу қавм ичидаги иккинчи бир тоифадаги кишилар бу маслаҳатни маъқул кўрмайдилар. Айтишадики: «Эй биродарлар, худонинг амри бу, бу ишни қилмайлик, бир бало, мусибат етиши мумкин». Лекин улар кулоқ солишмайди. Шу билан бирга улар орасидан учинчи бир гуруҳ пайдо бўлади. Улар айтадилар: «Биз бу ишни қилмагандан кейин унинг бизга зарарини бўлмайди, қаршилик қилиб ёмон кўринишдан нима фойда. Ўзимиз қилмасак бўлди-да!» Навбатдаги шанбада ўша ишга жиҳод қилган қавм аъзолари балик овлашади. Қайтарган ва қайтармаган одамлар эса овлашмайди. Ов бароридан келади-ю бироқ Олло аҳдини бузганлари, ҳукмига амал қилмаганлари учун уларга азоб юборади. Уларни маймунга айлантириб қўяди.

Бу ибратли ҳикоя атрофда бўлаётган воқеаларга, ходисаларга мен қилмапман-ку, менга нима, деб лоқайд қараб турмасликка ўргатади.

АБДУСАИД: — Раҳмат, тақсир. Сиз жуда бир таъсирли ривоятни айтдингиз. Бугун шундай одамлар борки, ўзи-ку лоқайд, лекин бошқаларни ҳам «сенга нима, аралашма» деб йўлдан уриб ўзига ўхшаганларнинг кўпайишига уринади.

Энди инсоннинг табиати шунақа яратилган шекилли-да, қаерда ўзининг юрагига таскин берадиган, қаерда интилса ўша нарсаларига эришадиган жойга талпинади. Бу катта, кичикми ҳаммага хос бўлган хусусият шекилли.

ЭРКИН: — Энг ёмони аввал катталар интилади, болалар улардан нуسخа кўчирадилар.

АБДУСАИД: — Биз биламиз, куш уясида кўрганини қилади. Болаларимиз катталарга эргашади. Демак, биз болаларни қойишдан олдин ўзимизни тартибга солиб олишимиз керак. Катталарда бола тарбиясида икки томонлама жавобгарлик бор. Аввало у ўзига, сўнг орқасидан келаётган ёш авлодга жавоб бериши керак. Ўзига қарашнинг жуда катта масъулияти орқадан келаётганларни ўйлаб қадам ташлашга ундайди. Лекин дейлик, биз ўзимиз кўчада довдираб юрсак ёки ўзимиз видеобарларга бориб, кейин болалар, укалар ёнида мактабни ўттирсак, албатта кейин улар ҳам видеобарларга боришади-да. Энди тарбияда қадимги анъаналаримиз ҳам энг яхши тар-



Зоир акага 24 йиллик ҳамроҳи бўлган «Камаз» ошу нон берди. Бу йиллар орасида у талофатсиз, турли ноҳуш ҳодисаларсиз, шаҳарнинг бунёдкорлик ишларида, қурилиш ашёларини ўз вақтида етказиб бериб, қатнашиб келаётди.

Суратда: 1-Тошкент қурилиш бош бошкармаси хайдовчиси Зоир Қорабоев.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

САХОВАТ САФАРИ

РЕПОРТАЖ

Яқинда Ҳоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раҳбар ва мутахассисларидан бир гуруҳи «Қизил жар» ва «Дўстлик» давлат хўжаликларидан бўлиб чорвадорларга кўрсатилаётган тиббий, савдо, маиший хизматнинг аҳволи билан танишдилар. Амударёда юз берган сув тошқини натижасида зиён кўрган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам ташкил этдилар. Гуруҳ сафаридан иштирак этган жамоатчи мухбиримиз ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилади.

«Қизил жар» давлат хўжалиги директори С. Худойберганов гуруҳ аъзоларига сув тошқини оқибатларини тугатиш, уйсиз қолган оилаларни жойлаштириш ишлари юзасидан қисқача ахборот берди. Касаба уюшмалари томонидан жиддий зиён кўрган 42 оиланинг ҳар бирига 1—2 минг сўмдан ёрдам уюштиришга қарор қилинди.

Хўжалик ҳудудидаги «Победа» мактабда Президент фармони бўйича болаларни бепул овқатлантиришга амал қилинмаётганлиги аниқланди. Пул

бор-у маҳсулот йўқ. Аҳволни ўнглаб олиш, маҳсулотларни топиш С. Худойбергановга, ишчилар таъминоти ширкати раиси О. Ражабовга топширилди. Бу борада ишга солинадиган реzerwлар, ишбилармонлик имкониятлари кўрсатилди. Такчил саноат, халқ-истеъмол молларини тақсимлаганда мактаб ўқитувчилари четлаб ўтилаётганлиги кўрсатилди. Касаба уюшмалари уларга имкони борича телевизор ва холодильник ажратилишига эришади.

Хўжаликдаги участка касалхонасининг ночор аҳволи гуруҳ аъзоларини ташвишга солди. Авваламбор бино жиддий ремонтга муҳтож, қолаверса бу ерда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилинмапти. Бинони таъмирлаш, даволаш учун қулай шароит яратиш юзасидан мутасаддилар масъулиятини оширишга келишиб олинди.

«Дўстлик» давлат хўжалигидаги участка касалхонасида эса аҳвол анча яхши. Атроф саранжом-сарийшта. Врач ва тиббиёт ҳамширалари ўз вазифаларини пухта биладиган, мавжуд қоидаларга риоя этилади. Хоналарда ҳарорат етарли. Дори-дармон тақчил-

лиги, замонавий медицина асбоб-ускуналари етишмаслигидан шикоят қилишди, холос.

Хўжаликнинг Абай номли ўрта мактаби биноси замонавий, хоналари кенг ва ёруғ. Болалар бир сменада ўқитилади. Лекин дизель ёнилғиси қимматлашиб кетганлиги сабабли мактаб биноси деярлик иситилмаяпти. Болаларни бепул овқатлантиришга ҳам эътибор берилмаётганлиги маълум бўлди. Бу нуқсонларни тугатиш чоралари кўрилди.

«Дўстлик» давлат хўжалиги ҳудудига сув тошқини бевосита даҳл қилмаган. Аммо бозор иқтисодиёти узоқ-яқинни сийламаяпти. Шу ташвишни енгиллаштириш мақсадида бу ерда ҳам ночор оилалардан 50 тасига иқтисодий ёрдам уюштирилди.

Ҳар иккала чорвачилик давлат хўжалиги меҳнатқашлари вилоятда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 9 фоизидан зиёдини етказиб бермоқдалар. Бултур бу ерда 1264 тонна гўшт етиштирилди. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вакилларининг бу жойларда тез-тез бўлиши, меҳнатқашларни самарали ишлашга рағбатлантириши, келажакда режаларнинг бажарилишида муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ. Айниқса эл бошига ташвиш тушса, табиий офатлардан заҳмат чекса, ундан хабар олиш, кўнгил сўраш, таянч бўлиш ота-боболаримиздан қолган эзгу одатдир.

Шу боисдан ҳам бу сафарни саховат сафари дегим келади.

Уктам ПОЛВОНОВ.

Кейинги йилларда Ўзбекистон саноати кимё тармоқлари корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетяпти. Корхоналар бозор муносабатларига ўтиш даврига бир қанча муаммолар билан кирдилар. Асосий жамғармалар тугаб борапти. Хўжалик алоқалари узилапти, моддий-техника таъминоти қийинлашмаяпти. Шуларнинг барчаси машина-ускуналарнинг жуда кўп рақиб бекор туриб қолишига, ишлаб чиқаришнинг самарасизлигига, капитал қурилиш ҳажмларининг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Шунга қарамай чакана нархлар ислоҳ этилиши билан корхоналарда март ойидаёқ тўловлар учун истеъмол жамғармаларидан 5,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Умуман кўшимча тўловлар ва компенсациялар тўлаш учун йилига 42,5 миллион сўм керак бўлар экан. Бироқ, ўз манбаларимиздан фақат 23,9 миллион сўмини таъминлашимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби кимё маҳсулоти нархларининг қатъий белгилаб қўйилганлиги, хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурслари, транспорт учун эса шартнома нархларида ҳақ тўлашга тўғри келаётганлигидир. Кимё комплекси корхоналарида етишмаётган моддий маблағлари жорий йилда 220 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Айни пайтда, «Ўзбытхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги «Лола» фабрикаси, кимё-фармацевтика, лак-бўёқ, Навоийдаги электромеханика, Андижондаги гидролиз, Намангандаги кимё заводларининг ва бошқа корхоналарнинг касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан овқатланиш ва транспорт харажатлари учун тўла ёки қисман тўлов тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадлар учун фақат бир ойда 11 миллион сўм пул бартланди.

Кимёгарлар ҳуқуқлари учун олиб борилаётган қаттиқ курашда тармоқ касаба уюшмаси иш ҳақини ошириш ва меҳнатқашларнинг бошқа социал талабларини қондириш билан боглиқ муҳим қарорлар қабул қилинишига эришди.

Иш ҳақи масаласи касаба уюшмасининг барча фаоллари учун марказий масала бўлиб қоляпти. Ҳар бир ходимнинг ўртача иш ҳақи 1991 йил 1 январда 242 сўмни ташкил этган бўлса, кейинчалик 2,25 баравар ошди. Бир қанча корхоналарда (Тошкент лак-бўёқ, Олмалик маиший кимё воситалари, Фаргона кимёвий тола заводлари) эса маошлар янада кўпроқ ошди, зеро корхоналар

води ўз ходимларига пиёз сотиб олиш учун пул берди. Олмалик кимё заводи Хитой Халқ республикасида бартер асосида картошка олди ва ўз ходимларига уни 1 сўм 25 тийиндан сотди.

Бундан ташқари баъзи бирлашмалар ва корхоналарда меҳнатқашлар учун қўшимча имтиёзлар ҳам белгиланган. Чунончи «Совпластитал» қўшма корхонасида, «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмий-текшириш илмоҳида, Тошкент «Нефтепродукт» ишлаб чиқариш бирлашмасида ёш болали аёллар учун бир соатга қисқартirilган иш куни жорий этилган ва ойда бир марта ҳақ тўланадиган бўш кун белгиланган. Бундан ташқари шу корхоналар ходимлари-

Умуман биз якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу эса ишловчилар учун катта имтиёз бўляпти. 2600 оила якка тартибда уй қуриш истагини билдирган бўлса, шуларнинг 2000 дан кўпроғига ер участкаси ажратиб берилди ва уларга моддий ёрдам кўрсатилди. Якка тартибда уй қураётганларнинг буюртмалари асосида кимё корхоналарида пуллик хизмат сифатида дераза ромлари, эшиклар, панжаралар тайёрланыпти, транспорт ажратилди.

Шу билан бирга Тошкент вилоят ижроия қўмитаси Чирчиқ шаҳри корхоналари ходимларига якка тартибда уй қуриш ва богдорчилик-полизчилик ширкатларини ташкил қилиш учун ер ажратиб бериш масаласини печ

бариятига мурожаат этиб улардан ҳозирги қийин шароитда меҳнатқашларнинг ҳаётини манфаатларини, социал-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялашларини талаб қилдилар.

Ўзбекистон кимё комплекси корхоналарининг 1992—1993 йиллардаги ишини барқарорлаштириш мақсадида Ўзбекистон кимё саноати давлат концерни Ўзбекистон кимё тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги таклиф билан чиқди:

— 1992—1993 йилларда республика кимё комплекси корхоналари даромад солиғи тўлашдан озод қилинсин; — шу даврда меҳнат учун ҳақ тўлашнинг базавий фонди юзасидан чеклашлар бекор қилинсин;

— ишлаб чиқариладиган маҳсулотга давлат буюртмаси ишлаб чиқариш дастурининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда белгилансин;

1992 йилда республика бюджетига ўтадиган амортизация ажратмаларининг 20 фоизи тўхташиб турилсин;

— фойда кўриб ишлаш (рентабеллик) нинг энг юқори даражасидан ошиб кетиш натижасида олинган фойдани бюджет ҳисобига тортиб олиш бекор қилинсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам бу масалалар юзасидан ўз нуқтани назарини пухта аниқлаб олса айни муддао бўларди. Чунки Белорусь, Россия, Қозғистон каби мустақил давлатларда аҳоли даромадларини индексациялаш ҳақида, хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа Қонунлар қабул қилинмоқда. Федерациямиз ҳам давлат ҳокимияти томонидан бир қатор халқчил қонунлар қабул этилишини қатъий талаб қилишини истаймиз.

М. Н. ПАЛЬМИНА,
Ўзбекистон кимё саноати
ҳодимлари касаба уюшмаси
Марказий қўмитасининг
бўлим мудири.

КИМЁГАРЛАР ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

олаётган даромад ҳам анча кўпайди.

Ҳозир кўпчилик корхоналарда компенсация миқдори 100 сўмдан ошириб (Олмалик кимё заводида — 250 сўм, Чирчиқдаги «Электромехпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида — 150 сўм ва «Хоказо» белгиланган.

Заводлар социал дастурларини амалга ошириш учун анча катта маблағ сарфлашапти. Ёрдамчи хўжаликлардан олинган, шунингдек корхоналар завод ошхоналарини, болалар муассасаларини, санаторий-профилакторийларини таъминлаш, ишчиларга сотиш учун жамоа ва давлат хўжаликларидан харид қилинган гўшт, мева, сабзавотларнинг харид қилинган гўшт, мева, сабзавотларнинг харид нархи билан чакана нархлари орасидаги фарқ қопланипти. Чунончи, Тошкент кимё-фармацевтика заводи ҳар бир ходимга картошка сотиб олиш учун 200 сўмдан, Давлат азот саноати илмоҳининг Чирчиқдаги филиали 350 сўмдан пул ажратди, Андижон гидролиз за-

ва отпускага қўшимча равишда 3 кун, бола туғилганда, қариндошлардан бирортаси вафот этган тақдирда, оиланинг касал аъзосини парваришлаш зарур бўлиб қолганда, тўй муносабати билан 3 кунлик ҳақ тўланадиган отпускаи берилди.

Тошкент лак-бўёқ заводи, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Нефтепродукт» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида эса 3 ёшга тўлмаган болаларни парваришлаш учун ҳар ойда 30 сўмдан 70 сўмгача қўшимча пул тўланапти. Бир қанча корхоналарда (ҳодимлари 17 минг кишидан кўн бўлган жойларда) пенсияга чиқилаётганда 800 сўмдан 2000 сўмгача, отпускаида чиқилаётганда эса бир маош миқдорича мукофот берилаяпти.

Республика кимё комплекси корхоналари Ангрен шаҳри яқинидаги Жигаристон пөөёлкасида юз берган табиий офат (туңроқтепа сизжиши) натижасида жабрланган аҳолига 84,3 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.

йиллардан бери ҳал этмаётганлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Фақат «Электромехпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўзида 1500 оила шахсий уй қуриш истагини билдирган. Бунинг учун эҳтиёждаги 100 гектар ўрнига атиги 19 гектар ер ажратилди, холос. Умуман кимё комплексида богдорчилик-полизчилик ширкатлари ташкил қилиш учун ер участкасига бўлган талаб 72 фоиз қондирилган.

Турмуш даражасининг кескин пасайиб кетганлиги, тақчиллик, озиқ-овқат ва саноат моллари нархининг бир неча баравар ошиб кетганлиги, корхоналар даромадининг пасайиб бораётганлиги — мана шуларнинг барчаси ҳозирги вақтда жамоалар тушиб қолган оғир вазиятдир.

Касаба уюшмаси фаоллари республика кимё саноати комплекси корхоналари касаба уюшмаларининг 68 минг аъзоси номидан мамлакат касаба уюшмалари Умумий Конфедерацияси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раҳ-



ОЛТИ ВИЛОЯТ — БИР ТАҚДИР

Фаргона водийси вилоятлари қасаба уюшмаларининг раҳбарлари ўтган йили ҳамкорлик юзасидан тузилган битимга асосан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилоятига йўғилишиб, шу куннинг муаммолари ҳақида фикрлашдилар.

Учрашувни қасаба уюшмалари Хўжанд вилоят кенгашининг раиси Муҳиддин Почтаев очди. Сўнг бевосита мунозаралар бошланиб кетди.

Наманган қасаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси **Ҳабибулло Аюдурахимов**: — Бугунги мураккаб вазиятда қиладиган ишларимизни аниқ ва равшан белгилаб олишимиз жуда ҳам муҳимдир, — деди у.

Чунки водийдаги барча қасаба уюшмалари биргалашиб ишлагандагина, бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган кийинчиларни осонроқ бартараф этиш мумкин бўлади. Тўғри, бизда, Ўзбекистонда бошқа жумҳуриятларга қараганда нархлар анча паст, ана шу номуносибликнинг ўзи ҳам бизнинг олдимизга янги муаммоларни қўймоқда.

Вилоятимизда иқтисодий ҳимоянинг турли усулларидан фойдаланилмоқда. Транспортда юрганлик учун ҳақлар ошрилиши биланоқ биз вилоят раҳбарлари билан ҳамкорликда талабалар учун имтиёзлар жорий қилдик. Бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошларини икки баробар ошириш тўғрисидаги кўрсатмалар бажарилмоқда, лекин бу билан уларнинг аҳволи яхшиланади деб бўлмайдими. Шунинг учун ҳам биз маҳаллий ҳокимият олдида халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият ходимларининг маошларини ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг иш ҳақига тенглаштириш талабини қўймоқдамиз.

Фаргона қасаба уюшмалари кенгаши раиси Лола Абдурахмонова:

— Жумҳуриятимизда энг кам маош 350 сўм қилиб белгиланди, аммо барча соҳаларда ҳам бунинг бажариши кийин бўлмоқда. Шунинг учун 1992 йил учун имзолаётган жамоа шартномаларида иқтисодий ҳимояга қатъий ўрин беришимиз зарур. Қасаба уюшмаларининг обрўсини кўтариш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни қўйиштиришга муносиб ҳисса қўйишимиз керак. Дехқончилик-саноат ходимлари қасаба уюшмаси вилоят қўмитасининг яқин кунларда бўлиб ўтадиган пленумида ана шу ҳақда жиддий гаплашиб олмақчимиз. Бу соқада ҳали ҳам «режалар» тузаётган район қўмиталари ва бошланғич ташкилотлар раҳбарлари энди бизга керак эмас. Бугун конкрет иш ва натижа керак. Шунда халқ олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Андижон вилоят қасаба уюшмалари кенгашининг раиси Маҳбуба Музаффарова:

— Мен водийда ягона нарх-наво бўлиши тарафдориман. Фақат шундагина биз муаммоларни биргалашиб ҳал эта оламиз, бўлмас, муаммолар озайиш ўрнига қўпайиб кетади. Талабалар учун имтиёзли билетлар таш-

кил этишда қасаба уюшмалари ҳам ўз маблағларидан бир қисмини беришлари зарур. Тошкент воқеалари ҳар биримизни сергак бўлишга чақириши керак. Нарх-наво ўзгариши билан савдо издан чиқиб кетди, халқнинг сабр қосаси тўлиб турибди. Ана шу аҳволни яхшилаш воситаларидан бири бизнинг қўлимизга бериб қўйилган — бу «ишчи назорати»дир. Аммо у бошқа органлардек ўзининг қувватини йўқотиб қўйган. Бугунги вазифа уни жанговар ҳолга келтиришдан иборатдир.

Жамоа шартномасига жуда ҳам жиддий эътибор беришимиз керак. Биз ўтган йили маҳаллий ҳокимият органлари билан битимлар имзолаган эдик, уларга бинонан бутун йил давомида асосиз ишдан бўшатиш холларига йўл қўймадик. Чунки қисқартириш кўзда тутилган жамоаларда катта тайёргарлик ишлари олиб бориш зарур, токи меҳнат қишиси — оила бошлиғи кўчада қолмаслиги керак.

— Бундай тўплавишимиз ҳаминша бўлавермайди, — деди Қирғизистон республикаси Ўш вилоят қасаба уюшмалари кенгашининг раиси **Қомилжон Қудайбердиев**. — Бугунги оғир вазиятдан келиб чиқиб, аҳолини иқтисодий ҳимоя қилишнинг бутун водийда ягона тизимини ишлаб чиқишимиз зарурга ўхшайди. Яна ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, касб касалликлари, ижтимоий суғурта соҳасидаги фаолиятларимиз юзасидан ахборотлар алмашиб турсак. Ишончли врачлар, техника ва ҳуқуқ инспекторлари ҳам бир-бирларининг ишлари билан чуқур танишиб туришса, фойдадан холи бўлмасди.

Мана, биз учинчи марта учрашиб турибмиз, энди аниқ бир ишга киришсак бўлаверди. Водийда қоржомга тикладиган фабрика йўқ, қасаба уюшмаларининг ташаббуси билан, пул ўтказиш йўли билан бу ишни йўлга қўйсак. Мен ҳам талабаларга қасаба уюшмалари стипендиялари, социал суғурта соқувватлайман. Чунки бугунги талаба эртага халқ ҳўжалигини бошқаради. Нархлардаги катта фарқларни йўқотишимиз керак, бу ҳақда Президентларимизга мурожаат қилмасак бўлмайди. Қирғизистон Президенти ва ҳукумати нарх-наво ни пасайтиришга қаратилган катта тadbирларни амалга оширишга киришдилар.

Меҳмонлар кунининг иккинчи ярмида ипақли газлавлар комбинатида бўлдилар. Учрашув катнашчилари Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари Президентларига нарх-наво ни бир хил қилиш, иқтисодий ҳимояни яхшилаш юзасидан мактуб қабул қилдилар.

У. САКСОНБОВ,
«ИШОНЧ» мухбири



«Вариант» совет-болгар қўшма корхонасига келаётган компьютерларни техника назорати муҳандислари Юрий Аронов ва Инна Кузнецова бирма-бир кўздан кечириб сўнг фойдаланиш учун қабул қилиб оладилар. Шу боисдан ҳам улар кейинчалик жойларга юборилганда тахирлик қилмай ишлайверади.

Суратда: компьютерларнинг яги туркумини қабул қилиб олиш пайти
Сураткаш **Жўра БОБОРАҲМАТОВ**.

КЎРИШГАНДА МЕҲР ТОВЛАНАР

Авалло «Ўзбекистон — Туркия» жамияти президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти **Иброҳим Искандаров** билан суҳбатлашишни кўнгилга туғиб қўйган эдик. Лекин у киши Туркия сафарига эканлар. Шу боис кўриша олмадик.

— Саволларингиз бўлса, марҳамат, баҳоли қудрат жавоб беришимиз мумкин, — деди жамият масъул котиби **Бахтиёр ШИРГАЛИЕВ**. — Бажарилаётган ҳамма ишлардан хабардоримиз.

Шу тариқа **Бахтиёржон** билан суҳбатлашиб қолдик.

«Ўзбекистон—Туркия» жамияти икки халқ ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни йўлга қўйишда ҳамда ривожлантиришда катта ҳисса қўшмаяпти. Ўтган йил баҳорда жамият йўли билан бир гуруҳ йирик олимларимиз Истамбул ва Эгей дорилфунунларида бўлиб, муҳим келишувни имзоладилар. Дўстларимиз катта ҳиммат кўрсатиб 25 нафар ўзбекистонлик талабага бепул билим беришга, улардан турк тили ва адабиёти, иқтисодиёт ва тижорат бўйича мутахассислар тайёрлашга ваъда қилдилар.

Шундан сўнг ўзаро борди-келдилар ривожлана борди. Ез ойларида жамиятга Туркиянинг «Туркистон» журнали муҳаррири, Тошкентдаги амалий учрашув катнашчилари ташриф буюрдилар. Суҳбатлар давомида икки мамлакатнинг дўстлик жамиятлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Навбатдаги учрашувларга шу суҳбатлар давомида асос солинган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинган кезлар эди. Туркияда «Форум» коллоквиуми ўтадиган бўлди. Унга «Ўзбекистон—Туркия» жамияти вице-президенти профессор **Анвар Қосимов** ҳам таклиф этилди. Профессоримиз у ерда кўпчиликни кизиқтирган мавзуда маъруза билан чиқди. Сўнг «Туркия—СССР» жамияти раҳбари **Камол Бойтош** билан мулоқотда бўлди ва уни жамият меҳмони сифатида Ўзбекистонга таклиф этди.

Ўзбек халқи мустақиллик нашини сураётган ўша сентябрда Туркия Ташки ишлар вазирлиги делегацияси азиз меҳмонимиз бўлди. Делегацияга вазирлик бош директори **Билал Шимшир** бош бўлиб келган эди. Делегация аъзолари вақт топиб жамият раҳбарлари билан ҳам учрашдилар. Ушанда жаноб **Б. Шимшир** Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олишга ва ҳамкорлик қилишга тайёр деб бизни ишонтирган эди. Дўстларимиз сўзларининг устидан чиқиб Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар кат-

ри тан олдилар. Хозир Тошкентда Туркиянинг Бош консуллигини очиш масаласи ҳал этилаяпти.

Республикамиз мустақил бўлгандан сўнг унга бўлган қизиқиш кучая борди. Кўпгина корхона ва фирма раҳбарлари, тижоратчилар иқтисодий ёрдам беришга, қўшма корхоналар тузишга тайёр эканликларини билдирдилар. «Чагри Лимитед» фирмаси раҳбари **Талат Олтой** биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон—Туркия» жамияти меҳмони бўлиб ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги таклифларини баён этди.

Ўзаро муносабатлар ўзбек халқида Туркия ҳаётига бўлган қизиқишини ошира борди. Туркия Республикаси эълон қилинганлигининг 68 йиллиги ўзбек-турк муносабатлари тарихида биринчи марта бизда кенг нишонланди. Шу санага бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон — Туркия» жамияти президенти **И. И. Искандаров** маъруза қилди, «Лазги» ансамбли ўз санъатини намойиш этди, фотокўргазма ташкил этилди.


Республикамиз Президенти **Ислом Каримов**нинг ўтган йил охирида Туркияга қилган сафари ўзаро ҳамкорликнинг янги қирраларини очди. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг туркча моделини танлаганлиги сафар давомида алоҳида таъкидланди. Шу боисдан икки дўст мамлакатнинг иқтисодий алоқалари яна ҳам кенг қулоқ ёймоқда. Дўстлик ришталари яна ҳам мустаҳкамроқ боғланмоқда.

..Жамият бажараётган ишлар талайгина. Илгари у собиқ «СССР—Туркия» жамияти орқали дўстларимиз билан алоқа боғларди. Энди эса Туркия билан мустақил равишда бевосита алоқалар ўрнатмоқда. Ўзи ҳам мустақил жамият сифатида рўйхатдан ўтказилди. **Иброҳим Искандаров** мустақил жамиятнинг мустақил президенти сифатида Туркия сафаридан бир олам таассуротлар билан қайтиши табиий. Шу таассуротлар билан кейинроқ ўртоқлашишни дилга туғиб **Бахтиёржон** билан хайрлашдик.

Жасур НОСИРОВ

Ўзбекистон ва Туркия алоқалари барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда. Бевосита ҳамкорлик ривожланишнинг янги уфқларини очмоқда.





Эслоб юрди САВОБ

Юнус отамиз инсоннинг ижобий фазилатларини ўзида мужассамлантирган, халол ва покиза санъаткорлардан эдилар. У киши билан танишувим шундай бошланганди.

Мен Тошкент вилоятининг Чиноз районида дунёга келганман. Гулзоробод қишлоғи боғларида, Чирчиқ дарёсининг қирғоқларида ўйнаб катта бўлганман. Надари бузрукворим Тошпўлат Носировнинг касблари пахтакор бўлиб, санъатга жуда ихлослари баланд эди. Халқ чолғу асбобларидан найни, чанг ва камончани севиб чалар, айни вақтда санъаткорларни беҳад ҳурмат қилардилар. Бирдан бир орзулари мени санъаткор қилиш эди. Менинг тоғажоним созанда ва хонанда Суннатилла Саматов Ўзбекистон радиосида устоз Юнус Ражабий билан бирга ишлардилар. Богимизга тоғажоним билан бирга Юнус ота, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Ортиқхўжаев, Ғанижон Тошматов, Ориф Алимахсумов, Эргаш Йўлдошев, Дадахўжа Сотволдиев каби эл назарига тушган санъаткорлар кўп келишар эди. Уларнинг машқларини мен қизиқиб кузатар, айниқса Юнус ота Ражабий-

нинг қўшиқлари қулоғимга маҳкам ўрнашиб қолар эди. Менинг ёш дилимда санъатга илк бор муҳаббат уйғотган устозим ҳурматли Юнус ота бўлганлар. Бора-бора у киши мени ёнларига чақириб суҳбатлашадиган, қўшиқларидан ўргатадиган бўлдилар. Бахтимга мен ўқиган олий санъат билимгоҳи бу азиз инсоннинг хонадонига ён қўшни бўлиб чиқди. Шу боис талабалик даврида устоз билан тез-тез учрашиб, маслаҳатларидан баҳраманд бўлиб турдим. Кейинчалик Ҳажза номидаги Академик театрда ишлаб юрганамда устознинг яна бир фарзандлари, таниқли артист Обид Юнусов билан ҳамкорлигимиз ҳам Юнус ота билан ҳамкорлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкам боғлади.

Биз меҳрибон устоз билан халқ сайилларида, байрамларда, тўю-томошаларда, талабалар, пахтакорлар билан бўлган мулоқотларда тез-тез учрашиб турардик. Ҳар кўришганимизда: Қани, Пўлатжон, Анваржон янги ўрганган ашулаларингиздан эшитайлик, — деб қолардилар. Биз баҳоли қудрат устоз ҳузурда қисиниб-қимтинибгина қўшиқ айтардик. Ле-



кин у киши бизни мақтаб кўнглимизни кўтариб юборардилар.

Анваржон Рустамов менинг дўстим бўлиб, мусиқа ўқитувчиси эди. Биз шахримиздаги жўравоз хонадалар сафида анчагина кўзга ташланиб қолган эдик.

Тоғажоним Суннат Саматов билан икковимиз устоз Юнус ота иштирок этган даврдан сира-сира қолмас эдик. Бизнинг ҳар учрашувимиз менга дунё-дунё қувонч-шодлик улашарди. Янги куй, янги латифа, янги газал ва яна санъатимизнинг ўлмас тури аскиялар бахш этарди.

Ҳа, раҳматли Юнус Ражабийдан бизга мусиқа асарлари, ўлмас қўшиқлару, энг муҳими ажойиб фарзандлар қолди. Мен у кишининг ёрқин хотираси олдида бош эгиб, устоз Юнус Ражабий иштирок этган «Наврўзи олам Чинозда» пайривидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этаман.

Наврўзи олам Чинозда

Наврўз байрами билан табриклаш ниятида азиз дўстим Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабий хонадонига кириб бордим. Ширин суҳбат жараёнида буюк устозимиз, Ҳасанжоннинг надари бузрукворлари — бастакор олим, ўзбек мусиқасининг даргаларидан бири бўлмиш академик Юнус Ражабийни ёдга олдик.

Мўйиндин ака:

— Дадахўжа ака!.. Улкамизда Наврўз кезиб юрибди. Байрамни кўк сомса, кўк чучвара, сумалак, ҳалим каби дармондориларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун турли ўт турларини, ош кўкатларининг номларини айтиб, бир кулишсак, яна бир бор дармон дори бўларди-да.

Дадахўжа ака!..

— Майли-ю, лекин сиз жуда узоқда турибсиз, димоғингизни ўт босганми?

Мўйиндин ака!..

— Йўғе, нима деяпсиз, айтган таомларингизни тановул қилсам зора анчадан бери мени қийнаётган ўт пуфагим шифо топса.

Юнус ота:

— Дадахўжа... Наврўз байрамининг яхши таомлари жуда кўп, жумладан ҳамма хонадонларда келинг-келинг дейилади, ҳеч ким ўт-ўт демайди.

Ғанижон ака:

— Ҳў, Мўйиндин ака!.. Боятдан бери тўрт чойнак чой ичдингиз, нима бало, ичингизга ўт кетганми?

Мўйиндин ака:

— Ғанижон ака, кўксомсаларни есангиз киши билан толиққан аъзоларга витамин бўлади, кейин мотор тикиллаб қолди, деб юракдан шикоят қилмайсиз.

Юнус ота:

— Кўстонбой тепалиқларига чиқиб, мотор теролармикин, бу семиз ўт!?

Дадахўжа ака:

— Айтинг-айтинг, овқат сифатида ишлатиш мумкин бўлган ўтларнинг

Юнус ота:

— номини бу от қулоғига олсин.

Ғанижон ака:

— Қулоғига олади, чунки Мўйиндинда чучук мия бор.

Мўйиндин ака:

— Лекин бармоқларининг калталигига қараганда, кийикпанжага ўхшайди.

Дадахўжа ака:

— Мен кийикпанжага ўхшатманг, кўнғир бошингиз билан.

Юнус ота:

— Ҳў!.. Мўйиндин Пўлатов, мен қуш қўнмас жойларда бўлганимда Сиз тоғпиёз қидириб юрган эдингиз.

Юнус ота:

— Пўлатовнинг тоғпиёз қидирганини билмайман. Лекин қўлидан ҳеч равоч тушмайди.

Ғанижон ака:

— Ҳў, Дадахўжа!.. Байрамга тайёрлаган таомларингизнинг намаги жойида бўлсин, уни истеъмол қилганлар шўр-а — демасин.

Юнус ота:

— Байрам арафасида ҳамма кўчат экиш, ариқларини тозалаш ва ободончилик ишлари билан банд бўлганда Дадахўжа ажирқиқа ағанаб ётмасин.

Юнус ота:

— Жуда тўғри айтасиз. Она табнатга меҳр-муҳаббат сифатида бўйрадаккина жойга укроп, кашнич, пиёз сепишни асло унутмайлик.

АЗИЗЛАР, Наврўзи оламингиз муборак бўлсин! Истаган жойингизга кетмон уринг, хазина топасиз.

Пўлат НОСИР.

Ҳажза номидаги Ўзбек давлат Академик драма театри актёри.

ЯХШИЛАР—ДУНЁ УСТУНИ

Чўлда ишлаб юрган кезларим эди. Бир шанба куни қишлоққа бориб, момо-бувадан хабар олиб келай деган ниятда тушди кейин йўлга чиқдим. Қаршигача йўловчи машина дуч келиб қолди. Вилоят марказидан нарёғи ҳам автобусда роса бир соатлик йўл. Эрталаб ёға бошлаган қор тиниб, қора совуқ бошланганди. Қишлоқ томон кетадиган йўл бўйидаман. «Шаҳарда ишлайдиган таниш шофёрлар келиб қолса» ажаб эмас деб турибман. Бир ярим соатлар чамаси кутдим. Совуқ баданимдан ўта бошлади. Оёқларимни бир-бирига ураман. Изғирин қулоқ-бурунни чимчилайди. Ишқалайман. Сал исигандай бўлади. Қоронғи тушиб келарди. Қайтсаммикин, деб ўйладим. Бу ғала-ғовур шаҳарда қаерданам жой ахтараман. Бироз кутайчи, дейман яна.

Совуқ тобора заптига олар, қорним очиб, қалтирай бошладим. Шу пайт оқ «Жигули» мендан сал ўтиб тўхтади. Машина эшиги очилиб ёш йигитнинг боши кўринди.

— Келинг ака,— деди у менга қараб. Чолиб бордим.

— Кўкда-а-лагача олиб кетинглар-ар-а,— совуқ қотганимдан лабларим ўзимга буйсунмасди.

— Утиринг.

Ичкари иссиққина экан. Бироз қизиб, томирларимда қон юра бошлади. Машинани ҳайдаб бораётган йигит ёш, оқ-сарикдан келган, кўзлари катта-катта. Устида қора чарм куртка. Бахмал шим кийган, қўлида сарик боғичли соат. Ёнида ўтирган шериги яғриндор, бакуватроқ. Соchlари елкасини қоплаган, мўйловли.

Машина равон йўлдан қушдек енгил учиб борапти. Ҳар икки тараф химсасиз дашт. Қирлар, пасткам сойлар. Кўнглимга шубҳа ўрмалади. Булар нега менга бунчалик меҳрибонлик кўрсатишди. Улар эса машинада бошқа одам йўқдек бемалол суҳбатлашиб боришарпти.

Анча юрдик. Атрофни қоронғулик чўлғиди. Қишлоққа яқинлашиб қолгандик, машина чирогининг ёруғида учта шарпа кўринди. Югуриб боришарпти. Тикилиброк қарасам болалар. Утиб кетдик. Улар қўл кўтариб қолнишди. Бироз юрмай машинамиз секинлади. Яғринли йигит «анима қилаяпсан!» деган маънода оқ-сарик йигитга қаради.

— Шуларни олиб кетайлик,— деди ҳайдовчи йигит машинани орқага юргизаркан.

— Машинани ейганда,— норози оҳангда тўнғиллади шериги.

— Машина болаларга яқинлашгач, орқа эшикни очдим. 16—17 ёшлардаги ўсмирлар. Совуқ қотишганидан гапиришолмайди.

Уччаласи ҳам яланғош. Бир камзулда, жун бўйинбоғини оғзи билан аралаш ўраб олган. Бирининг оёғида енгил туфли, пайпоғи ҳўл бўлиб кетган. Учинчиси эса юпқина камзулининг ёқасини кўтариб, бошини буркамоқчи бўлади.

Машинага тикилишиб жойлашдик. Яғриндор йигит орқасига ўтирилиб, болаларга бир ўқрайди-да, деди:

— Шу маҳалда пишириб қўйибдим сенларга!

— Бир мошинга ўтирувдик,— деди оғзига бўйинбоғини ўраб олган бола,— шу қордан-бурилиб кетди. Тушиб қолавердик.

— Уқийсиларми? — сўрадим.

— Ҳа, училишеда.

Улар анча иситиб, жонланишиб қолди. Болаларни машина ойнасидан кузатиб бораётган ҳайдовчи йигит орқасига бурилиб, кулиб сўради:

— Қаерга борасилар? — Унинг юз-кўзидан қилган ишидан мамнулик ифодаси бор эди.

— Хушалига! — Яна ўша бўйинбоғли бола жавоб берди.

Машина бизнинг қишлоққа кириб борарди. Тушишни ўйлай бошладим. Бу йигитга қандай миннатдорчилик билдирсам экан? Битта ўнтаклики ҳозирлаб қўйдим. У пайтлари пулнинг қадри бор эди. Тушаётганда раҳмат айтиб, пулни ҳайдовчи йигитга узатдим.

— Қўйинг, керак эмас,— у самимий кўлимни қайтарди.

— Ҳа, олинг, — кистадим.— Бензин пули. Мен шу билан унинг хизматини узмоқчи, кўнглимни хотиржам қилмоқчи эдим.

— Э, қизиқ экансиз-ку, ака... Мен сизнинг совқотиб турганингизни кўриб олақолувадим. Соғ бўлинг.

У машинага газ берди. Пул тутган кўлим ҳавога муаллақ қолди.

Абдужалил ТАЙПАТОВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўтказган бевосита мулоқот телекўрсатувини, давомида тушган саволларга уларга берилган жавобларни йўриқчи-тафтишчи Надежда Ивановна Ефимова тайёрлади.

Ҳозир иш ҳақининг ва пенсиянинг энг кам миқдори ойига 350 сўм. Социал ҳимоянинг бундан бошқа бирор тури ҳам кўзда тутилганми?

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб даврда республикада аҳолини социал ҳимоялаш масаласига жиддий эътибор билан қаралмоқда.

1991 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нарх-наво ошиши муносабати билан аҳолини социал ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши биланок Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 8 январда «Пенсиялар, стипендиялар ва ноишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди, кейин эса Вазирлар Маҳкамасининг «Нарх-наво ошиши муносабати билан талабалар, ўқувчи ёшлар, ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз пенсионерлар учун имтиёзли умумий овқатланишни ташкил қилишнинг кўшимча чоралари тўғрисида»ги қарори чиқди.

Хусусан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, социал таъминот, фан, давлат муассасалари вау-жой-коммунал хизмат тармоғи ходимларининг маоши икки баравар оширилиши билан бир қаторда овқатланиш учун кунига 5 сўм миқдорда компенсация бериш кўзда тутилган.

Кундузи ўқийдиган талабаларга, давлат бюджетда бўлмаган ўрта махсус ўқув юртлирининг ва хунар-техника билим юртлирининг ўқувчиларига, шунингдек юқорида айтилган билим юртлирининг профессор ва ўқитувчиларига ҳамда хизматчи ходимларига ҳам шундай ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларига бериладиган бепул нонушталар қиймати оширилди.

Ўзгалар ёрдамга мухтож бўлган ёлғиз пенсионерлар уй ва коммунал хизматлар учун, жамоат транспортда юриш учун (таксидан ташқари) ҳақ тўлашдан озод қилинди. Улар ўлчаб бериладиган озиқ-овқатлар ва шифокор рецепти асосида бериладиган дори-дармонлар билан бепул таъминланадиган.

Афсуски, болалар учун нафақа миқдори ҳали ўзгаргани йўқ. Бизнинг республикада бундай нафақа 8,5 миллион бола учун тўланапти. Албатта, бу нафакани ошириш учун жуда катта маблағ ва анча вақт керак бўлади.

Касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш тартиби қандай ва мустақил касаба уюшмаси ташкилотлари раисларининг иш ҳақи қайчи?

Касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Уставида белгиланган. Бу Устав 1991 йил 26 мартда касаба уюшмаларининг XIV съезидида тасдиқланган.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Касаба уюшмасига аъзоликка яқка тартибда, бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятдан кўзда тутилган мақсад амалдаги қонулар асосида меҳнатқашларнинг касб, социал, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ва ҳуқуқий Маънаватларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг маблаглари касаба уюшмаларининг Уставада белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, хусусан меҳнатқашларни социал ҳимоялаш, меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза этиш ва бошқа тадбирларни пул билан таъминлаш учун сарфланади.

Аъзо ташкилотлар раисларининг иш ҳақини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари оладиган маошдан юқори бўлмаган миқдорда белгилаш тавсия этилган.

1977 йилдан буён ишламайман, юрак-қон томир касалига чалинганман, тиббиёт муассасаси рўйхатида тураман. Иш стажим 5 йилдан сарқипроқ. Пенсия ҳам, нафақа ҳам олмаймаман. Менга пенсия берилиши керакми?

Сизга тиббий-меҳнат экспертизасига мурожаат қилишингизга тавсия этамиз. У ерда сизнинг ногиронлик гуруҳингиз аниқланганидан кейин социал таъминот идораси тўлиқсиз иш стажини ҳисобга олинган ногиронлик пенсияси ёки социал пенсия тайинлади.

Социал пенсиянинг ойлик миқдори I гуруҳ ногиронлари учун 350 сўм, II гуруҳ ногиронлари учун 175 сўм ва III гуруҳ ногиронлари учун 105 сўмни ташкил этади.

Қарилик юзасидан социал пенсия эркаклар 60 ёшга ва аёллар 55 ёшга тўлганда тайинланади.

Қарилик юзасидан социал пенсия миқдори ойига 175 сўм.

Бир ташкилотдан бошқа ташкилотга ишга ўтганда илгари уй олишга, автомашина харид қилишга турилган навбат сақланиб қоладими?

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши 1984 йил 26 сентябрда тасдиқлаган 494-сонли «Ўзбекистон ССРда уй шароитини яхшилашга мухтож фуқароларни рўйхатга олиш ва уй-жойларни тақсимлаш қондалари»га мувофиқ, фуқаролар бошқа қорхонага ишга ўтказилганда, юқори ташкилотлар қарори билан улар илгариги иш жойларида уй шароитини яхшилашга мухтожлар рўйхатига қачон ёзилган бўлсалар, шу кундан бошлаб янги рўйхатга киритиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг кам иш ҳақи миқдорини 350 сўмга етказиш тўғрисида 1991 йил 29 декабрда қабул қилган Фармони хўжалик ҳисобида ишловчи қорхоналарга ҳам тааллуқлими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1992 йил 1 январдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 350 сўм қилиб белгиланган. Хўжалик юритишининг янги усулига ўтган қорхоналарда ҳам иш ҳақи миқдори 350 сўмдан кам бўлмаслиги керак, чунки «Қорхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам иш ҳақи давлат белгиланган энг кам миқдордан паст бўлмаслиги лозимлиги айтилган.

1991 йилнинг май ойида Қорақалпоғистонда табиий офат юз берган эди. Бунда кўрилган зарар ўрнини қоплашда ким ёрдам беради?

Бу ерда экологик вазият жуда оғир. Шунга кўра район коэффциенти тўлашиши керакми?

Табиий офат (сув тошқини, ёнгин, zilзила ва х. к.) юз берган ҳолларда олатда ҳукумат комиссияси тузилади. Бу комиссия фалокат миқёсини, кўрилган зарар миқдорини аниқлайди, ҳалокат оқибатларини тугатиш чораларини, жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш тадбирларини ишлаб чиқади.

Иқлим ва экологик шароитлари ноқудай бўлган минтакаларни белгилаш республика давлат идораларининг вазирлар мажлисида қилинади.



АЖОЙИБ МУҲРЛАР ВА ТАМҒАЛАР



узоқ вақт хизмат қилади;
сифатли бўлади;
турли тилда, ҳар қандай кўринишда тайёрланади;
ўзингиз истаган тарзда безатилади;
юридик жиҳатдан қонуний бўлади.


ТОШКЕНТ

«ФАЙЗ Лтд»

700003, Тошкент,
Байнал-милал кўчаси, 2-уй.

Мурожаат учун
телефонлар:

45 45 56
45 43 56



«СТРОЙИНТЕХ»

қурилиш-илмий-ишлаб чиқариш кичик давлат қорхонаси

ДАВЛАТГА ҚАРАШЛИ ВА КИЧИК ҚОРХОНАЛАРГА, КОНЦЕРНЛАРГА, УЮШМАЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРГА, ХУСУСИЙ ШАХСЛАРГА БОЗОР НАРХЛАРИДАН АРЗОНРОҚ БАҲОДА АВТОТРАНСПОРТ СОТИБ ОЛИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ҚУМАКЛАШАДИ, ШУНИНГДЕК ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КўРСАТАДИ.

АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОН: 44-02-81

КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК ҚОРХОНА, ШИРКАТЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ишонч» ҳафталик газетасида ўз эълонлари ёки тижоратларини чоп этмоқчи бўлганлар ҳар кун соат 15 дан 18 гача «Правда Востока» кўча 24 уй 5 қават, 66-хонада жойлашган «Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Қорхона ва муассаса, ташкилот ва ширкатларни кафолатли хатлар билан, шахсий эълон берувчиларни эса паспортлари билан келишларини сўраймиз.

Улар диққатига тижорат ва эълонларнинг бир квадрат сантиметр жой учун

Ички бетларда босилса	— 13 сўм 50 тийин;
Сўнгги саҳифада	— 15 сўм 00 тийин;
Шахсий эълонларга	— 10 сўм 50 тийин;

Таъзияномалар учун эса — 15 сўм 00 тийин маблағ тўлашларини эслатиб ўтишни маъқул кўрдик.

«Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими.

НАВРЎЗ БОБО

ТОШКЕНТ яқиндаги Кибрай қишлоғида Хўжаназар бобо Ғойибов истиқомат қиладилар. Невара, эваралар, жиянлар одатдагидек бобони Наврўз байрами билан муборакбод этгани келадилар. Ёшлар тушмагур, жуда қизиқувчан бўлишади-да, «Бобо, сиз Наврўз байрамини юз марта кутиб олгансиз-а?» — дея саволларини тасдиқлаб олишга ошиқшади.

Бобонинг кейинги йилларда кулоқлари яхши эшитмай қолган эса-да, ёшларнинг нима демокчи эканлиқларини уларнинг чақноқ кўзларидан билиб оладилар ва салмоқлаб, гап бошлайдилар.

— Ҳазратнинг ҳисоб-китобимга қараганда юз ёшдан унча ошиб кетмаганман, болаларим. Балик йили туғилганман-да. Лекиги, пошпуртим бўйича бу йили нақ юзга тўлдим. Худога шукр, насиб этди, мана юзинчи Наврўзни ҳам кутиб олдим. Илойим сизлар ҳам менинг ёшимга етинглар. Замонамиз тинч, фаровон бўлсин, олинглару асло олдирманглар. Омин!

Хўжаназар бобо ёшларни алқайди, ишлари-ю, ўқишларига ривож тилайди.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтовур даҳасида туғилиб катта бўлган Хўжаназар Ғойибов деҳқончиликка ишқи тушиб, Кибрай қишлоғига келиб қолган эди. «Темир кадам» номли жамоа хўжалиги ташкил топган кундан бошлаб унга аъзо бўлиб кириб, бир умр сувчилик қилди. Ерданга бориб, Мирзачўлда ҳам ишлаб келди.

— Ун йилча бўлди-ёв колхозда ишламай қўйганимга, — дейди бобо, — сувчилик касби қон-қонимга сингиб кетган эканми, баъзан соғинаман. Бироз ўзимни яхши хис қилсам шу кичкинагина ховлимдаги қўқатларга авдармон бўламан. Пенсия пудимни ўз вақтида бериб туришибди. Раҳмат! Қизим Раҳимжон иссиқ-совуғимдан хабардор.

Наврўз байрами ҳақида айтсам, ҳа, бир пайтлар «Қизил гул» деган катта майдон бўлгучи эди. Наврўз сайлига чиққанларнинг ҳаммаси ўша майдонга тўпланарди. Ёш кекса баб-баробар ўйнаб-қударди. Лапар, топчи-моқ, ашула, шеър, ақсия бўларди. Улоқ чоғиб, кун бўйи ўша майдонда ўйин-қўлги қиларди. Аёллар дош қозонда сумалак пишириб, ҳаммага тарқатишарди. Хулоса шуки, ҳалқимиз минг йиллардан бери наврўзни байрам қилишди. Илойим, бу йил деҳқончилик бароридан келсин, ҳосил мўл бўлсин. Ёшларнинг риски баланд бўлсин. Арзончилик яна қайтиб келсин.

Ҳа, ёши улуг кишиларнинг дуоси ижобат бўлмай, айниқса Наврўз кунларида. Яхши ниятларингиз учун раҳмат бобо. Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

Санъат МАҲМУДОВА.

ҚУШ АЙЁМ МУБОРАК

Наврўз айёмида ўзининг олтинчи ёшини нишонлаётган бу азиз инсон табаррук-устозлардан, мураббийлардан бири Асом ака Зиёматовдир. У Паркент район Чанги қишлоғидаги ўрта мактабда тил ва адабиётдан дарс бериб келадиганига ҳам қирқ йилдан ошиб қолди.

Асом ака беш вақтларида ширинтой болаларга атаб жасажси-жасажси шеърлар ҳам ёзиб туради. Унинг ижод намуналарида қишлоқ болаларининг шўх ва шодон ҳаётлари, ажойиб тоғ манзаралари, юртимизнинг зилол бўлоқ ва инҳорлари чиройли ўхшатишлар орқали афодаланди. Бу шеърлар «Ви гвардия», «Қамалак» ва «Ўлпон» нашриётларида китоб ҳолида ҳам чоп этилиб, ўз китобхоналарини



маини этган.

Бугун Асом Зиёматовнинг ҳаётида қўшалоқ байрам. Фарзандлари, шогирдлари унга гул тутиб:

— Наврўзи айёмингиз ва туғилган кунингиз қутлуг бўлсин, азиз устоз! — демоқдалар.

ФОЛЬКЛОР САНЪАТИГА МЕҲР

ЎЗБЕКИСТОН қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан давлат Телерадио компанияси ва Мусикашунослар жамияти ҳамкорлигида ўтказилган «Дўстлик тароналари» хаваскорлик фольклор санъати фестивалининг якуловчи концерти Ҳамза номли

академик драма театрида «Наврўз» байрами арафасида бўлиб ўтди.

Дастлаб фестиваль район ва вилоятларида ўтказилди, голиб чиққанлар республика танловида катнашиш ҳуқуқини олдилар.

— Бу тадбир халқимиз маънавий маданияти, қадриятларини қайта кашф этиш, эндигина оёққа туриб келаётган фольклор дасталарини маънавий, моддий рағбатлантириш йўлидаги бир ури-

БЕШИНЧИ ЎГИЛ

МУСУЛМОНЧИЛИКДА ота-онанинг ўғил олдида учта қарзи бўларкан. Булар фарзандига муносиб исм қўйиш, қўлини ҳалоллаш, бошини иккита қилншдан иборат.

Гапни узокдан бошлашимиздан мурод яқинда Гулистон районидаги «Октябрь» жамоа хўжалигига қарашли Киров қишлоғида бўлди. Раҳимжон ва Ҳафизахон Мирқаримовлар оиласида ўтган йили рўзада фарзанд туғилган экан. Яхши ният билан болага Рўзбой дея исм қўйишибди. Бундай исмлар кейинги пайтларда қамайиб қолганидан:

— Болага исми ким танлади? — дея сўрадик.

— Отамиз, 67 ёшдалар. Исми Иброҳим. Муборак кунларда фарзанд кўрдиларинг, ўз исми билан туғилди — Рўзбой бўлсин, дедилар. Биз рози бўлдик, — дейди Раҳимжон ва Ҳафизахон.

Ота-она ўз фарзандларини мўмин-мусулмон, эл қорига ярайдиган ўғлон бўлишини орзу қилади. Рўзбой оиладаги бешинчи фарзанд. Шерали, Нурали, Ўткир, Хусан деган акалари бор.

ҚАЛБИНГИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛСИН

Биз Наврўз айёмида сизга яқиндан таништирмоқчи бўлган камтарин инсон — Шоҳида опа 50 баҳорни кўрдилар. Ўз умрларининг қарийб 30 йилини матбуот ишига бағишладилар.

Шоҳида Собирова. У 1942 йил 21 мартда Тошкент шаҳрининг Урикзор маҳалласида туғилди. 1961 йили ўрта мактабни тугатди ва ТДПининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. У институтнинг кечки бўлимида ўқиш билан бирга Ғ. Фулом номли нашриёт-матбаа бирлашмасида ишлаб бошлади.

Дастлаб ўз фаолиятини музика бўлимида бошлади. Кейинроқ унинг мусахҳхликка бўлган қизиқишини сезган бўлим мудирини Н. Содиков шу бўлимга ишга таклиф қилди. 1962 йилдан бошлаб мусахҳхлик вазифасида ишлаб бошлади. 1974 йилдан бери мусахҳхлар бўлимининг бошлиғи.

Шоҳидахон опа нашриётда чиқаётган ҳар бир китобга кўз нурини, қалб кўрини бахшида этаётган меҳнатқаш инсон, талабчан устоз, икки ширин қизни тарбиялаётган меҳрибон она.



Биз иш соҳасидан гап очганимизда у шундай деди:

— Мен кўпроқ классик асарларга қизиқаман. Навоий асарларини чиқаришда ўз ҳиссамни қўшганимдан беҳад хурсандман. Ҳозир эса Фитрат асарларининг сифатли чоп этилишида хизмат қилаётirman.

Шоҳида опа, табаррук ярим асрлик тўйингиз ҳамда Наврўз айёмингиз муборак бўлсин! Беозор қалбингиз қувончга тўлсин, сизни яхши қайфият тарқ этмасин!

Шоира МУМИНОВА.



Зебо АХРОРОВА.



УЧАРЛАР ШОХИДА ЮРСА...

Ўзбекистон тупроғида етиштирилаётган, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг каттагина қисми республика ташқарисига ташиб кетилаётганлиги учун ҳам бозорларимиз ғариблашиб, пештахталаримиз бўшаб қоляпти. Учарлар ва ташмачилар йўлини тўсиш мақсадида республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди.

Ҳўш, ҳукумат қарори Тошкент вилоятида қандай бажарилаяпти? Жамоатчи муҳбиримиз Бекмирза Маҳмудов шундай савол билан Тошкент вилояти — ички ишлар Бошқармасига қарашли юкларни Ўзбекистондан четга олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш бўлими бошқармасининг бошлиғи, подполковник Абдулла Убайдуллаевга мурожаат қилди.

— МАЗКУР қарорнинг моҳиятини ва халқимизга қанчалик фойда келтираётганини тўғри тушунган Қибрай, Чиноз, Тошкент районлари ижроқўмлари бизга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда, — деди А. Убайдуллаев. — Айниқса йўл қурилишини ривожлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштириш кенгаши раиси А. И. Раимқулов тўсиқбардорларни тиклашда, йўл белгиларини қўйишда, постларни ободонлаштиришда яхши ишлар қиляпти.

Лекин бир неча марта мўлтимос қилишимизга қарамай алоқа ва транспорт хизматларини ташкил этишдаги қийинчиликлар ҳамон бартараф этилмапти. Мисол учун Бекободдаги 40-постни олиб кўрайлик. Пост шаҳарнинг энг баланд жойида — шамолнинг уясида жойлашган. Қиш ва баҳор ойларида жуда кучли шамол бўлади. Постда транспорт йўқ, телефон алоқаси чатоқ, бир кун ишласа уч кун ишламайди.

Шароит нақадар оғир ва мураккаб бўлишига қарамай Йўлдошали Худойбердиев, Нуриддинжон Сиддиқов сингари сержант йигитларимиз хизматни дадиллик ва қатъиятлик билан бажаряптилар. Мен бу ўринда «Гўшт операция» сени назарда тутяпман...

Менимча, аввал пулни чўзинглар, кейин алоқа ўтказамиз, олдин пулни чўзинглар, кейин транспорт билан таъминлаймиз, дейовчи айрим ўртоқлар ўз таналарига бир ўйлаб кўришса яхши бўларди. 1992 йил машина фондига ёзилганлар рўйхатидан гап йўқ, сўз йўқ, бизни вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари А. А. Валиев шартта ўчириб ташлапти. Ваҳоланки, халқ депутатлари вилоят Кенгаши Раёсатининг қарориди: «Иқтисо-

диёт бўйича комитет ўр. А. А. Валиев ташиб кетилиши устидан назорат давлат Инспекцияси томонидан хизматда фойдаланиш учун (назорат бошқармасига ред.) 1 (битта) «ГАЗ» ва 10 (ўнта) бошқа маркадаги енгил автомобиллар ажратсин», дейилган. Бу гапдан А. А. Валиев беҳабар деб ўйлашсизми? Йўқ у жуда яхши билади! Унда нега Вазирлар Маҳкамасининг ва вилоят Кенгаши Раёсатининг қарорларига беписандлик қиляпти? Шу кунгача вилоят фондидан биронта ҳам машина ололганимиз йўқ. Ваҳоланки, уч ойда 23 та постимизда республикадан четга олиб чиқиб кетилаётган 40 миллион сўмлик моддий бойлик ушлаб қолинди. Бу юклар Тошкент вилояти савдо-тайёрлов идорасига топширилди, вилоят учун шунча фойда келди. Наҳотки, мана шунинг эвазига ҳеч бўлмаганда учта машина ажратиб қийин бўлса.

Алоқа техникасини ўрнатиб бўйича М. С. Содиков-

нинг иш тутуми ҳам шундай бўляпти. Мен буни Президент Фармонига бутунлай зид, хайрли ишга қаршилик кўрсатиш деб ўйлайман...

Ишимиз жуда тезкор ва мураккаб. Тушуниш осон бўлиши учун бир мисол келтира қолай: назорат пости ишорасини писанд қилмай бирданига тўртта «КАМАЗ» ўтиб кетди, дейлик. Зудлик билан шу йўналишдаги барча назорат постлари огоҳлантирилади. Бироқ «қочоқ»лар кўпинча тўғри йўл қолиб, эгри йўлга бурилиб кетишади. Машиналарда қуролланган «омончилар ҳам бўлиб, йўл-йўлакай ҳеч кимга бўйсунмайдди. Қани, айтингчи, шундай ҳолатда нима қилиш керак?! Буни охирига етказиш, аниқлаш учун терговчи, юрист ҳамда қуролланган тезкор гуруҳлар тузилиши керак. Бекободдаги махсус кўчма назорат постининг бошлиғи, капитан Ҳабибулло Мирзаулугов йигитлари билан яқинда каттагина миқдордаги юкни ушлаб қолишди. Тунда соат иккидан ўттиз

минут ўтганда чегарадан гувиллаб ўтиб кетаётган иккита «КАМАЗ» тўхтатилди. Ҳужжатларини текшириб, савол-жавоблар қилганларидан кейин қўйидагилар аниқланди: 39—50 ЛБМ давлат номерли «КАМАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси Абдуваҳоб Рауповнинг айтишича: бу машина Хўжанд шаҳридаги матбаачилик ва китоб савдоси бошқармасига қарашли бўлиб, Олтиариқдан 41 минг сўмлик юкни Чимкентга олиб кетаётган экан.

Биринчидан юкнинг ҳар бир тоннаси учун 1200 сўмдан бож пули тўланмаган. Иккинчидан сабзи, турупни республикамиздан ташқарига олиб кетиш учун маҳаллий ҳукуматдан рухсатнома олинмаган. Юк эгалари йўқ. Уларга берилган мавжуд сертификатлар мuddати ўтиб кетган, ҳужжатларга босилган муҳр қалбаки. Агар ана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳақиқий ва рухсатномаси бўлганда майли эди. Тезкор ходимларимиз ана шу юклар ортилган жойларга бориб, мавжуд сохталикларни ўз ўрнида зудлик билан аниқлашлари шарт. Бунинг учун эса юқорида таъкидлаганимиздек, алоқа ва транспорт воситаси керак бўлади.


Ҳозирги вақтда нима қилсанг ҳам мўмай пул ишлаб қол, деган ақида ҳукмрон бўлиб қолди. Сизларга кунга кеча содир бўлган бир воқеани айтиб берай. ЕSENTУКИ шаҳридаги автоколоннанинг «75—31 ССП» давлат номерли «КАМАЗ» машинаси Оҳангарондаги «Арго» кооперативдан 8 тонна пиёзни юклар, Санкт-Петербургга йўл олибди. Ҳайдовчи Александр Иванов ҳам, пиёз эгаси Святослав Кан ҳам Оҳангаронда яшайди. Юкнинг ҳар тоннасига 1200 сўмдан бож тў-

ланмагани учун тўхтатилди. Йигитларнинг парвойи фалак. Чунки, юк эгаси миллионер, 30—40 минг сўмни йўқотиш унга чўт эмас, қолаверса, агар шу маҳсулотни тер тўкиб, бел букиб, ўз меҳнати билан етиштирганида жони ачирди.

Авваллари юк давлат нархида сотилиб, пули эгасига берилар эди. Энди 1992 йил январда чиқарилган янги қонун бўйича республикадан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган юклар мусодара қилиниб, юк эгаларига 200 сўмдан 1000 сўмгача жарима солинапти. Энди юкнинг ҳужжатларини тўғри қилса ҳам қайтариб юбориш йўқ. Шунинг учун маҳаллий ҳукуматлар, тегишли маъмурий ташкилотлар аҳоли ўртасида тушунириш ишларини кенг кўламда олиб боришлари керак. Чунки, кўплаб содда, ҳақиқий меҳнаткаш деҳқонлар олғир устамон ҳайдовчиларнинг ваъдаларига ишониб, йил-ўн икки ой қилган меҳнати маҳсулидан бутунлай маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Масалан, дейлик 5—6 деҳқон «КАМАЗ»га ер ёнғоқни юклар келиб қўлга тушади. Ҳайдовчи Семипалатинскга албатта етказиб бораман деб ваъдани берган. Юк эгалари бўлса юқоридаги қонун-қондалардан беҳабар. Биз бўлсак янги қонунга кўра юкни қайтиб беришга ҳаққимиз йўқ.

Бир томондан ўйлаб қарасанг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мусодара қилиш масаласида чуқурроқ ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Чунки, деҳқонларнинг кўпчилиги янги қонун-қондалардан беҳабар, соддалиги учун ўз меҳнати билан топган бола-чақаларининг ризикдан айрилиб қолмасликлари керак. Шунинг учун ҳақиқий деҳқон ва боғбон юкларини давлатга амалдаги нархда сотгани маъқул. Қўлга тушганда тиржайиб, ўн тонна пиёзнинг пули нима бўпти, дейдиган ижарачи кооператив юк эгалари — миллионерларга эса шафқат бўлмаслиги керак. Уларни керак бўлса жинсий жавобгарликка ҳам тортиш қонунда қатъий қилиб қўйишни лозим. Ана шунда фармон қонунларга тўла амал қилинади, маъсулият чуқур ҳис этилади. Шаҳарма-шаҳар изгиб чўнтагини бебилиски пулга тўлдирувчилар камаяди.

Суратда: Ҳайдовчи Абдуваҳоб РАУПОВ Хўжанд машинасида Олтиариқнинг турупини Чимкентга олиб кетаётганида қўлга тушган пайти.



ВИЖДОНЛАРИ НИМА ДЕРКИН?

«Ишонч» газетасининг 5-сонидидаги «Қафасдаги киз» сарлавхали мақолани ўқиб, ярам янги бўлди. Мен шу мақоладаги Қолдикизнинг синглиси бўламан. Арнасой районига қарашли Жуков номли давлат хўжалигида 3- (козок) ўрта мактабининг 11-синфида ўқияпман.

Қолдикиз опамнинг кўргуликларидан эзилиб бўлган онамиз касал бўлиб қолган эдилар. Икки ой касалхонада даволандилар. Натижа бермагач уйга қайтаришди. 16 январда дунёдан кўз юмдилар. Фарштадек онажонимиздан айрилиб қолдик.

Онамнинг яққаю ягона армони ҳақиқатни кўриш эди. Начора, ҳақиқатни кўриш уларга насиб

этмаган экан.

Нишонгул Исахонова, Кенжегул Жўрабекова, Қанибек Жўрабековлар қонун олдида, виждон олдида жавоб беришсин! Айтгандек, уларда виждон нима қилсин?! Виждони бўлса шу ишларни қилармиди?

Терговчи Ф. Шукуров, вилоят прокурори ўринбосари Н. Исломов, сизларга мурожаат этаман. Қачон ҳақиқатни ёқлашга киришасизлар?

Гулзира СЕГИЗБОЕВА, Жиззах вилояти, Арнасой райони.

ЎҚИТУВЧИ НОМИГА ДОҒ

«Ишонч»нинг 3 февраль сонидида босилган «Қафасдаги киз» — мақоласини ўқиб, ҳайрон бўлдим. Унда Арнасой районидида киз олиб қочиш ҳоллари


ва унинг хунук оқибатлари баён этилган.

Мен 34 йилдан бери ёш авлодга «Тарих ва жамият» фанидан дарс бериб келаман. Қўлимдан келганича ўқувчиларга билим бераман. Лекин «Қафасдаги киз» мақоласини ўқиб, бу жиноятда педагогларнинг улуши катта эканлигидан уялиб кетдим.

Н. Исахонова, Қ Жўрабековларнинг виждони бормикан? — Бор бўлса ўқитувчига ёт ишни қилмас эди. Виждонларини еб қўйган ўқитувчилар суд олдида жавоб беришлари керак, чунки улар бизнинг шаънимизга доғ туширдилар.

Ҳасанбой БОБОЖОНОВ, Наманган районидидаги 17-мактаб ўқитувчиси.

Акс-садо



УЧҚУР ОТЛАР БЎЙ ТАЛАШАР..



Залдан ўзининг учқур отлари билан бутун дунёга машҳур бўлган шарқ халқларининг кўпқари ўйини ҳозирги кунда ҳам Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда ўтказилаётган халқ сайиллари ҳамда ўғил тўйларида намойиш этилмоқда.

Чавандозлар баҳси одатда йиғимтерим ишлари тугагандан сўнг ҳосил байрамларида уюштирилади. Кўпқари эса тўйнинг охири кунини берилади. Наврўз байрами ҳам кўпқарисиз ўтмаган.

Чавандозлар кўпқари бўладиган қишлоқ томон бир-икки кун илгари тўда-тўда бўлишиб, йўлга тушишган. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, улар бутун мавсум мобайнида биргаликда тўйма-тўй кезиб юришган. Шу ўринда тўйхона эгаларининг кўрсатган илтифотларини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. Чавандозлар таклиф этилган овулда шоду хуррамлик билан кутиб олиниб, тўй эгасининг қўшнилари, қариндош-уруғлари хонадонига жойлаштирилган. Меҳмонлар қўноқ топган хонадонларда тўйнинг ярмигача чавандозлик ҳақидаги ажойиб ва ғаройиб афсоналар, латифалар ҳамда ҳазил ва мутойибалар авжи-га чиқарди. Кучли ва мард чавандозларнинг тажрибаси мақталарди. Яхши отларнинг хислатларига тасаннолар айтилди.

Шу кунни тулпорларга мўлжалдан ортиқ сув ёки ем берилмайди. Қамчи билан ҳеч қачон бошига урилмайди ва ёмон кўздан асраш учун пана жойларда сақланади. Шундай пайтларда рақибларнинг отлари нимага қодир эканлигини синаб кўришга улгуришган пайтлар ҳам бўлган.

Ўтмишда кўп ҳудудларда томошани ўтказиш учун махсус тайёрланган майдонлар, тойпонлар бўлган. Тўй бўлаётган қишлоқ ундан ўн-ўнбеш чиқирим узоқликда жойлашган бўлишига қарамасдан мусобақани ўтказиш учун фақат шу майдонга борилган.

Кўпқари учун улоқни тайёрлаш ишлари бир кун илгари бошлаб юборилади. Бир ва бир ярим ёшлик эчки боласини яъни серкани сўйиб, туёқлари ва ичини тозалаб, ўрни-

ни картошка пўчоғи, қум ёки бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан тўлдиришган. Бу эса улоқнинг янада оғирроқ бўлишини таъминлайди. Шу мақсадда бир кеча-ю кундуз сувга (Чироқчида гуруч ивтилган сувга) солиб қўйишади. Бу ишларнинг ҳаммаси амалга оширилгандан кейин улоқ яна ҳам оғир ва мустаҳкам бўлади. Қўл билан ҳар қанча тортқиланганда ҳам йиртилмайди.

Баъзи пайтларда олти-саккиз ойлик новослар ҳам улоқ вазифасини ўтаган. Улоқ тайёр бўлгач, кўпқари бўладиган кунни тойпонга келтирилади. У ҳар доим майдондаги чортоқнинг устида ёки ёнида тайёр ҳолатда туради. Ҳозирги вақтда Қашқадарё ва Сурхондарёнинг баъзи ҳудудларида улоқ «ҳавоза» дан туриб ташланади.

Кўпқарини баковулбоши раҳбарлигидаги махсус маҳаллий ҳакамлар гуруҳи бошқариб боради. Тўйларда ўтказиладиган кўпқариларда ғолиб чиққан чавандозларга совринлар берилади. Соврин тўй эгасининг иқтисодий имконидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин.

Яна шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, қадимий халқ ўйинларидан бири бўлган мазкур томошада иштирок этувчи ҳар бир чавандознинг махсус тайёрланган кийимлари бўлади. Мусобақада бошни қамчи ёки бошқа тасодифий зарбалардан сақлайдиган телпаги, устига қиядиган қалин кийими, шими ва махсус этиги бўлади.

Кўпқари бўладиган жойга, тойпонга ҳамма йиғилиб бўлгандан кейин отларни қиздириш учун «қоқма» ўйини ўтказилади.

Азалий удум бўлган қоқма ўйини бир ярим-икки соатгача давом эттирилади. Унда отларнинг ва чавандозларнинг чигили ёзилади.

Шундан кейин барча ишқибозлар интизорлик билан кутаётган асосий томоша — кўпқари бошланади. Олдиндан баковулбоши ҳаммага қарата «Ғирромлик қилмайсан. Боғлаб ёки ўғринча чилвир солиб улоқни қўлга киритаман, деб ўтирма. Ҳалол ташлашсанг, зотини аямайман. Зотига 5000 сўм қўйилди», деб эълон қилади.

Улоқни олиб келиб ташлашади ва уни ҳамма отларга ҳидлатишади. «Улоқнинг ҳавоси бор» дейишади. Отларга ана шу ҳаво мадад беради. Бундай пайтларда тулпорлар фақат ғалабага интилади. Шундан кейин ҳақиқий томоша бошланади. Унда юздан ортиқ отлиқлар иштирок этишади. Томошабинлар ҳам шунга яраша бўлади.

Агар чавандоз ўртага баковул томонидан ташланган улоқни тўдадан моҳирлик билан олиб чиқиб, даврдан узоққа ёки белгиланган жойга олиб келиб ташласа, «Ҳалол» ҳисобланиб унга эълон қилинган, соврин берилади. Кимки бунинг аксини қилиб, баковулга қулоқ солмаса, улоқ учун бўлган бахсда қондани бузса ва ғирромлик қилса совриндан маҳрум этилади. Баъзи пайтларда эса бундай чавандозлар ўйиндан четлаштирилади ва халқнинг ҳақли лаънатини эшитади.

Кези келганда айтиш лозимки, чавандозлар орасида ғирромлари, номардлари ҳам учраб туради. Улар ўзларининг кучсизлигини тан олгиси келмай, ўғринча чилвирга улоқнинг сонини ўтказиб олади. Бундай вазиятда улоқни ундан ҳеч ким тортиб ололмайди. Мабодо қайиш боғласа ёки ипга тугиб олса ҳам шундай бўлади. Аммо улар ҳеч қачон адолатли баковулнинг назаридан четда қолмайди.

Чавандозлар жуда ҳам ғайратли, абжир бўлади. Айримлари бир кўпқарида 3—4 мартагача муваффақиятга эришади. Бундай вақтларда чавандоз отининг эл кўзи ўнгида шуҳрати ортади. Кўпқарининг эртаси кунийёқ ғолиб чавандоз уйига харидорларнинг қадами етади. Отнинг нархи ҳам унинг нимага қодирлигига қараб белгиланади. Харидор чиққан отни ўз вақтида тўхтатмай сотиб юбориш — чавандозларнинг азалий одати. Чунки, бегоналарнинг назари тушган от тезроқ бировга бериб юборилмаса, касал бўлиши ёки бошқа бирор кор-ҳол бўлиши мумкин. Машҳур отлар фақат шу йўл билангина ҳар хил дарду балолардан асраб қолинади.

Яна шунини айтиш лозимки, кўпқарида чавандозлар кўпинча бир-бирларини қўллаб-қувватлашади. Тарафқашлик удуми қадимдан мавжуд бўлиб, ҳозир ҳам Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида яхши сақланиб қолган.

Айниқса, қатоғон уруғидан чиққан чавандозлар совринни қўлга киритиш учун доимо биргаликда ҳаракат қилишган. Қўнғирот, сарой, жуз, лоқай уруғлари ҳам зарур бўлган пайтларда бир-бирига ёрдам беришиб, совринни қўлга киритишга интилишган. Халқимиз орасидаги «Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас» деган мақол шундан пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Агар тарафлар ўртасида бирор сабаб билан жанжал чиқиб қолгудек бўлса, уруғ оқсоқоллари уларни тартибга чақириб, бир-бирлари билан яна яраштириб қўйишган. Аммо «уруғлар ҳеч қачон бир-бирига нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган». Энг муҳими «кек сақламаган». Томоша қандай бошланган бўлса, охирида ҳам шундай хушнудлик билан тугатилган.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ.

«ЕР ЁНГАНДА»

● **ЯҚИНДА** Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри санъаткорлари режиссёр Марат Азимов раҳбарлигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбековнинг «Ер ёнганда» икки пардали драмасини саҳналаштиришни ниҳоясига етказдилар.

Бу саҳна асари Наврўз байрами кунларида театр мухлисларига муносиб тухфа бўлди.

Маълумки, драматургнинг «Қиёмат қарз» ва «Шошма куёш» сингари саҳна асарларини эслаганимизда, кишиларни инсонийликка, меҳроқибатли ва виждонли бўлишга ундовчи қахрамонлар ёдимизга тушади. Янги саҳна асари ҳам ана шу йўналишларни давом эттириб, оналик меҳрини улуглайди. Солиҳабиби (Рихси Иброҳимова ва Тўти Юсупова) пахта иши билан ноҳақ камалган ўғлининг (у саҳнада кўринмайди) азобида куйган она кайғуси-ю, келиннинг (Гулчеҳра Жамилова, Гулчеҳра Иброҳимбекова) ҳаётини изтироблари кўз олдимизда жонланади, Шунингдек, ноҳақ камалган кишилар ортидан қалбаки имзо қўйган кимсаларнинг ҳаёт тарзи ҳам театр мухлисларининг эътиборидан четда қолмайди.


Асарда Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Ғани Аъзамов каби атоқли санъаткорлар ҳам қатнашдилар. Саҳна безакларини Убай Сайдалиев тайёрлаган.

ФЕСТИВАЛГА ҲОЗИРЛИК

● **ЎЗБЕКИСТОН** театр арбоблари уюшмасида «Наврўз — 92» театр-фестивалини ўтказиш ташкилий қўмитасининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Фестиваль 27 мартдан 4 апрелгача «Тошкентдаги театр майдонларида ўтказилиши белгиланди. Ўзга чиққан Туркменистон театр арбоблари уюшмаси раиси А. Бердиев, Тожикистон Маданият вазирлиги санъат бошқармаси бошлиғи Н. Қаримов, Ўзбекистон Маданият вазирининг биринчи ўринбосари М. Муродов, Қозғонбосан театр арбоблари уюшмаси раисининг ўринбосари Б. Мукешевлар фестивал юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фестивал доирасида Қозғонбосан, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг ўнта энг яхши театр жамоалари, улардаги иқтидорли санъат усталари қатнашдилар. Шунингдек, Осиё мамлакатлари, Туркия, Швеция, Бельгия, Санкт-Петербург, Жанубий Корея театр жамоаларининг ҳам ташрифи кўзда тутиляпти. Умуминсоний кадрятлар ва маданият халқ академияси фестивал ўтказилиши учун сарфланган 2 миллион сўмдан ортиқ харажати ўз бўйига олди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон театрлар
арбоблари уюшмасининг
тарғиботчиси.





Анвар Эшонов



●УНЛАБ насрий ҳамда шеърий китобларнинг муаллифи шоир, адиб публицист, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси мукофоти лауреати Анвар Эшонов 1937 йилда Тошкентда туғилган.

Ўзбекистон радиоти, «Шарқ юлдузи», «Совет Ўзбекистони», Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, «Гулистон»да ишлаган. У «Ишонч»нинг тамал тошини қўйганлардан бири. Ҳозир шу газета муҳарририятида ишлаб, ижод қилмоқда. Қўйида унинг Наврўзга атаб ёзган шеърларидан эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Муҳаббат - бойчечакнинг баргида Зухлармикан

УНУТИЛГАН ҚУШИҚЛАР туркумидан

Тол барги сувга тушса сен менга ширин тушсан,
Толлар бешик бўлгунча чарх неча айланди-ей,
Сочинг тўлқинларига тўш уриб учса қушлар,
Қарчиғай қарашингга қисматим байланди-ей.

Соғ бўйида ўсганим сочлари мажнунтолсан,
Чил-чилвир сочларингга чилвирлаб ташла мани.
Мен жайрон кўзларингни тубига ватан солсам,
Чирмовуқдек чирмаб ол унда оташ-ла мани.

Ҳар ишқнинг таваллуди бир чақин чаққанча бор,
Кўзларинг чақиндир-ей, қарашларинг чақиндир.
